Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 208 (6. 997) ◎ 1989 йил 11 сентябрь, душанба ◎ Баҳоси 3 тийин

Изланишдаги «Учқун»

Харидорлар бу ерда ишлаб чиқарилаётган духоба дастурхон ва пардалар, чойшаб ва дастурхонларга тикилган безаклар, попуклар, тасмалар, анвойи гуллар расми туширилган, турли матолардан тикилган рўмолларни яхши харид қилишади. Айниқса алоҳида жозиба бахш этадиган ажойиб пардозловчи тасмачалар аёллар кўйлакларининг эстетик дид ва замонавийлик талаблари асосида тикилишини таъминлайди. Ўтган ой якунларига кўра корхона ишчилари маҳсулот реализацияси планини 105 фоизга адо этишди. Йил бошидан буён планда белгиланган 13373 минг сўм ўрнига 14086 минг сўмлик маҳсулот топширишга муваффақ бўлдилар. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи ҳам кўзланганидан юқори, 106,7 фоизни ташкил қилди. Товар маҳсулот кўрсаткичи 107,4 фоизни ташкил этди. Бу эса ишчилар томонидан 14436 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, деган гап.

Шу йилнинг январь ойидан янги иш шароитининг биринчи моделига ўтилгач, коллективдагиларнинг ишга муносабати янада сезилари даражада яхшиланди.

Ишчилар унумли меҳнатнинг самарали бўлишини яхши тушуниб етишган. Коллективларда сифатга қўйилаётган талаб ҳам ўсаяпти. Чунки бугунги кунда корхоналарда фақатгина маҳсулотнинг ҳажми учун курашиб, сифатни ёддан чиқарадиган вақтлар ўтиб кетган.

Юқори иш суръатларини таъминлаш учун бригадалар ўртасидаги меҳнат рақобатига алоҳида ўрин берилмоқда. Маҳсулотларнинг аъло сифатини таъминлаётган коллективларга «Аъло сифат бригадаси» деган шарафли ном берилаяпти. Ўтган йилги мусобақа натижаларига кўра Раҳмонберди Каримов етакчилик қилаётган коллектив аҳли ана шундай шарафли номга сазовор бўлди. Касаба союз комитети ва меҳнат коллективи кенгашининг қарорига биноан мазкур бригадага чет элга чиқиш учун 2 та туристик йўлланма берилди.

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида бичиш участкасидан Зуҳра Абдуллаева, бадиий-галантерея цехидан Муборак Самиқжонова, тикиш-тойлаш цехидан Лариса Исаева етакчилик қилаётган бригадаларнинг муваффақиятлари корхона ютуқларига муносиб улуш бўлиб қўшилди. Ҳар ойда ишлаб чиқариш топшириқларини 105 фоиздан 110 фоизгача адо этаётган мазкур бригадаларнинг аъзолари ахиллик, ҳамжиҳатлик, турдош касбларни эгаллаш, шунингдек зиммаларидаги юксак масъулиятни ҳис этиш натижасида ана шундай ютуқларга эришдилар. Бу ерда жорий этилган бригада пудрати услубининг самараси ҳам ниҳоятда катта бўлаяпти.

Цехларда ойлик натижаларга кўра «Ўз касбининг моҳирлари» ҳам мунтазам равишда аниқланиб борилади. Л. Кривополова, Р. Азизова, С. Турғунова, М. Асқарова, М. Қўзиева, Н. Саидхонова, Т. Гапирова сингари ишчилар эса ўзларининг иш тажрибаси, маҳорати, маҳсулотнинг аъло сифатини таъминлаётгани, касб сирларини ёшлар билан ўртоқлашаётгани туфайли ҳам ана шундай шарафли номга сазовор бўлдилар.

Бирлашма аҳли «Янгилик» («Н») индекси билан маҳсулот топширишдек масъулиятли вазифадан четда турмаяптилар. Сифати яхшиланган ҳамда энг сўнгги талаблар асосида тайёрланаётган бундай истеъмол молларидан шу йилнинг ўтган ойлари ичида 581 минг сўмлик ишлаб чиқариш мўлжалланган эди. Лекин бу кўрсаткич 123 фоизга адо этилиб, амалда 718 минг сўмлик маҳсулот топширилди. Умуман, бугунги кунда корхона мазкур индекс билан имкон борича кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қиляпти. Ҳозирги кунда бу индекс бўйича план тўла адо этиляпти. «Учқун»да бу йилги иш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,5 фоизга ўсганлиги кузатиляпти. Тўғри, мазкур ассортиментларнинг талабгорлари кўп. Лекин «Янгилик» маҳсулотлари барча буюмларнинг атиги 4,1 фоизини ташкил қиляпти, холос. Фикримизча, бундай маҳсулотлар сони кўпайса, қолаверса ишлаб чиқариш конвейеридаги барча истеъмол моллари ҳам сифат жиҳатидан юқоридаги турларга тенглашса, нур устига аъло нур бўларди.

Бирлашмада тажрибали ишчилар ҳам, ажойиб мутахассислар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар истеъмол моллари устида янги-янги ишлар олиб борсалар, бунинг самарасига нима етсин. Мана, корхона рассоми Холида Ҳасановани олайлик. Уни бирлашманинг ҳақиқий жонкуярларидан деб аташ мумкин. Бу аёл корхонада 17 йилдан буён рассом сифатида ишлаб келмоқда. Фақатгина 1988 йили бадиий безакли маҳсулотларда у яратган расмларнинг 17 та туридан фойдаланилди. Мазкур ишларнинг 14 таси бадиий кенгашда «аъло» деб баҳоланди. Рўмоллар учун яратган 16 безагидан 6 таси «Янгилик» индексидаги маҳсулотлар учун ўзлаштирилди. Рассом аёл меҳнати натижасида ўтган йили ишлаб чиқарилган 507,4 минг дона маҳсулот корхонадаги махсус индексли молларнинг 56 фоизини ташкил қилди. Ўз ишларини яратишда замонавий мода йўналишини, аёлларнинг юксак дидини, қолаверса хўжалик ҳисобида меҳнат қилаётган корхонанинг бугунги кундаги техник-иқтисодий шароитларини ҳам ҳисобга олади. Меҳнатсевар аёлнинг «Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг энг яхши рассоми» деган шарафли номга сазовор бўлиши ҳам бирлашманинг улкан ютуғидир.

Бундай интилувчан ташаббускор одамлари бўлган корхонада албатта ижобий силжишлар рўй беради-да. Қолаверса, хўжалик ҳисоби бир кишидан эмас, балки барчадан ана шундай унумли меҳнатни талаб қилади. Ахир янги шароит учун муҳим бўлган даромад фондини интилиш ва изланишсиз яратиб бўлмайди. Бирлашмада бу йилги ишлаб чиқариш тараққиёти ва ижтимоий соҳалар учун 790 минг сўм ажратилди. Янги иш услубига ўтилгандан буён бу ерда ижтимоий шароитлар яхшиланди, барча цехлар учун махсус дам олиш хоналари, душхона ва бошқалар қурилди. Асосий касб эгаларига корхона томонидан бепул нонушталар ташкил этилди. Юқорида ажратилган маблағ эса ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, чет элдан юқори унумли техника харид қилиш учун мўлжалланган. Агар техникалар янгиланса, келгуси натижалар бугунгидан ҳам унумлироқ бўлиши табиий, албатта!

Бирлашма ишчилари бугун тинимсиз изланишда. Улар ишлаб чиқараётган турли ёдгорлик совғаларию, кўзни қувонтирадиган истеъмол моллари тури кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Меҳнат самарадорлигини ошириш учун астойдил ҳаракат қилаётган ишчи ва хизматчилар хўжалик ҳисобининг афзалликларини амалда намойиш этиш, катта даромад манбаини яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

В. МАДИМАРОВА.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◎ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи берилган.

◎ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 8 сентябрдаги мажлиси ҳақида ҳисобот эълон қилинган.

◎ Ўртоқ М. С. Горбачевнинг маданий ҳамкорлик масалалари бўйича фондлар халқаро учрашуви қатнашчиларига йўллаган табрики берилган.

◎ «Ўзбеклар, оғаларим менинг!» — «Правда» газетасининг уничи саҳифасидаги публицист Валентин Архангельскийнинг мақоласи ана шундай номланади.

Кимёгарларнинг катта анжумани

● БУГУН республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида умумий ва амалий химия бўйича XIV Бутуниттифоқ Менделеев съезди ўз ишини бошлади.

Кимёгарлар катта анжуманининг серқуёш республикамиз пойтахтида ўтказилаётгани бежиз эмас. У Ўзбекистонда химия фани ва саноати кенг ривож топганлигининг, етук кимёгар олимлар етишиб чиққанлигининг, Совет ҳокимияти йилларида республикамиз ёирик, кўп тармоқли химия марказига айланганлигининг самараси туфайлидир.

Шуни айтиш керакки, XIV Бутуниттифоқ Менделеев съездида мамлакатимизнинг кўзга кўринган олимларидан ташқари хорижий эллардан, яъни Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, Италия, Германия Федератив Республикаси, Япония, Канада, Австралия, Хитой Халқ Республикаси, Польша, Чехословакия, Куба сингари ўнлаб чет эл давлатларидан ҳам етакчи кимёгарлар, мутахассислар қатнашмоқда.

Анжуман кунларида унинг мажлисларида замонавий химия ва химиявий технологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган докладлар тингланади. Унинг секция мажлисларида химия фанининг фундаментал муаммоларига, янги конструктив ва функционал материалларга, янги химиявий технология ва биотехнология жараёнларига, медицина муаммоларини ҳал этишда химиянинг вазифаларига доир муҳим масалалар муҳокама қилинади. Мароқли учрашувлар, қизғин мунозаралар бўлади. Анжуман делегатлари шаҳримиздаги йирик илм масканларида бўлишади, химия саноати билан боғлиқ корхоналарнинг ишчилари ҳузурига ташриф буюришади. Яна бундан ташқари анжуман программасидан бир қанча мароқли ва фойдали тадбирларнинг ўтказилиши ўрин олган.

КПСС платформаси лойиҳасини муҳокама қиламиз

Ўзбекистон — Ватаним менинг

КПССнинг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» платформаси лойиҳаси тўғрисидаги фикрларимни ўртоқлашмоқчи эдим. Мен, кекса коммунистман, ҳужжат гарчи бундан анча илгари пайдо бўлиши керак бўлсада, уни жуда муҳим, деб ҳисоблайман. Миллатлараро муносабатлар муаммоларини кечиктирмай, тўс-тўполон бошланишини кутмай ҳал қилиш зарур эди.

Матбуотда мамлакатимизнинг ҳали у, ҳали бу ерида миллатлараро жанжаллар чиқаётганлиги ҳақида хабарлар пайдо бўлмоқда. Экстремистлар Иттифоқимизни бўлиб ташлаш ҳақида ўз фикрларини олга сураётган ҳоллар ҳам бўлмоқда. Лекин халқимизда: «бузиш — бу қуриш эмас» деган доно сўз бор. Ўтмишни тарих саҳифаларидан бутунлай ўчириб ташлаш мумкин эмас. Аввалги авлодлар тажрибаси билан тўпланган энг яхши нарсаларни мерос қилиб олиш лозим. Акс ҳолда, ғиддиракни кашф этиш учун яна ва яна ҳаракат қиламиз. Республикалар орасида, республикаларнинг ўзида яшаётган халқлар орасида вужудга келган яхши қўшничилик муносабатлари — энг яхши тажрибадир. Хўш шундай экан, бунёд этилган ажойиб уйимизни нега бузишимиз керак?

Совет кишилари ўзларини мамлакатимизнинг исталган гўшасида ўз уйларидагидек ҳис қилишлари керак. Баъзи регионларда, масалан, Болтиқбўйида халқаро муносабатларда бутун дунёда сезиларли ўзгариш бўлаётган бир вақтда демократия қадам-бақадам мухолифлик йўлига ўтмоқда. Совет ҳокимияти ташкил топганидан сўнг шунча йил ўтгач, ҳали ҳам фашизмга яқин бўлган «тоза ирқ» ғоясини тарғиб қилувчи кучлар сақланиб қолганлигини тушуниш қийин.

Ҳозир барча республикаларда маҳаллий Советларга сайлов ўтказиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари муҳокама қилинмоқда. Мен газета саҳифаларида Ўзбекистон ССРнинг сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳасини катта қизиқиш билан ўқидим. Дарҳақиқат, чинакам демократик қонун яратилибди. Унда Ўзбекистон ССРдаги барча гражданлар ирқи ва миллатидан қатъий назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги айтилган.

Мен туғилиб ўсган республикам, Ватанимдан фахрланаман. Ўзбекистонликлар яна чинакам байналминалликни, туб аҳолига мансуб бўлмаган кишиларга нисбатан ҳақиқий дўстлик ҳамда меҳрибонликни намоён этдилар.

С. ЕРОХИН,

меҳнат ветерани, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси цех партия ташкилотининг секретари.

Дўстлигимизга раҳна тушмасин

Болтиқбўйи республикаларида рўй бераётган воқеалар барча совет кишиларида катта ташвиш туғдирмоқда. Наҳотки, иш ташлашлар, миллатчиликнинг авж олдириши нормал ҳол бўлса? Ўз-ўзидан маълумки, у ерда мураккаб, жиддий таҳлил ва эҳтиёткорлик билан ёндашувни талаб қиладиган вазият вужудга келди. Лекин бир нарса: ҳаддан ошиш миллий масалаларни ҳал этишнинг яхши усули эмаслиги маълум. Ўзини бутун ўзбек халқи орзу-умидларининг ифодачиси, деб кўрсатаётган баъзи кимсалар республикамизда одамлар ўртасида ишончсизлик ва душманлик уруғларини сочишга, уларни миллатлараро адоват йўлига тортишга уринмоқда. Тўғри, биз миллий маданият, тил, урф-одат ва расм-русумларда, иқтисодда анча бой бериб қўйдик, лекин мухолифлик ва халқларни миллатига қараб бирбирига қарама-қарши қўйиш муаммоларни бартараф этишнинг йўли эмаслигига ишонаман.

Республикамиз Совет ҳокимияти йилларида кўплаб миллатлар вакиллари учун ватан бўлиб қолди. Уруш заҳрини тортган, унинг оловларида тобланган қанчадан-қанча кишилар Ўзбекистон диёрида бошпана топди, биз уларнинг дардига малҳам бўлдик. Халқимизда дўст бошингга оғир иш тушганда билинади, деган доно нақл бор. Фалокат рўй бериб, табиий офат натижасида минглаб тошкентликлар бошпанасиз қолганларида бутун мамлакат ёрдамга келди.

Миллатлараро муносабатларда ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмаслигига яна ва яна ишонч ҳосил қиляпман. Ҳаммамиз ё ютамиз ёки ютқазамиз. Шу боисдан миллий жиҳатдан ҳар қандай бўлиниш ва қарама-қаршилик хавфли, айни вақтда ҳалокатлидир.

М. ТУЛАГАНОВА,

Мадания ходимлари касаба союзи республика комитетининг раиси.

(ЎзТАГ).

«ОҚШОМ»НИНГ ФРУНЗЕЛИКЛАР БИЛАН МУЛОҚОТИ

Газетанинг шу сонига

«Ушбу файзли оқшом кечасига ташриф буюрган азиз фрунзеликлар, ҳаммаларингизга катта раҳмат, шундай мароқли мулоқотни уюштирган «Оқшом» ижодий коллективи билан район партия ва совет органларига, бошқа мутасаддиларга қизғин миннатдорчилик билдирамиз».

Ўтган куни, яъни 1989 йил 9 сентябрда Фрунзе районидаги Киров номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган «Оқшом» кечасини олиб борган 144-мактаб ўқитувчиси Мавлудахон Содиқова ва газета ходими Владимир Медведовскийнинг шу сўзларидан кейин ҳам очиқ эстрадага йиғилган меҳмонлар анча вақтгача жойларидан қўзғалмай туришди. Биз эса ушбу мароқли кеча қатнашчиларидан айримларига мурожаат қилиб, учрашувдан олган таассуротлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

Шавкат АҲМЕДОВ,

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти партия комитетининг секретари.

◎ «Оқшом» редакцияларининг шаҳримиз районлари меҳнаткашлари билан, жумладан бугун фрунзеликлар билан ўтказган юзма-юз мулоқотидан жуда мамнунмиз. Шундай учрашувлар яхши анъанага айланиб бораётганлиги айни муддаодир.

Тошкент студентлар шаҳри ҳамдир. Пойтахт олий ўқув юртларида 160 мингдан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Шу боисдан биз «Оқшом» саҳифаларида студентларнинг ўқиши, маиший турмуши ҳақида, ёшлар тарбияси тўғрисида мунтазам равишда мақолалар бериб борилиши жуда яхши бўлур эди, деган фикрдамиз.

Умаржон МАМАТБОЕВ,

Тошкент бадиий-экспериментал комбинатининг рассоми.

◎ Бугунги кеча менда катта таассурот қолдирди. Газетада ёзилганидек, бу учрашувга келиб жуда яхши ҳордиқ чиқардим. Болаларимнинг қувонганини айтмайсизми? «Оқшом»нинг бир мухлиси сифатида шу бугунги учрашувни ҳам, унда хизмат кўрсатганларга ҳам қизғин миннатдорчилик билдирилди.

Дарҳақиқат, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редакцияси ушбу кечада ўз хизматлари ва санъатлари билан қатнашган Киров номидаги маданият ва истироҳат боғи коллективига (директори В. С. Кожевников), тўқимачилар маданият саройи, 2-маданият уйи, республика хореография билим юрти, Фрунзе номидаги маданият уйи, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти коллективларига, Фрунзе район ошхоналар трестига (директори, Қ. Ҳ. Зоиров), «Яширин овозлар» ансамбли қатнашчиларига, «Средазкабель» бирлашмаси маданият саройининг «Ёшлик» ансамблига уюштирганларга миннатдорчилик билдираман.

Ўлмас ЗИКРИЛЛАЕВА,

Тошкент область давлат архиви ходими.

◎ Ушбу истироҳат боғида бугун учрашув бўлишини «Оқшом» газетасининг 7 сентябрь сонидаги хабардан билган эдим. Ўй юмушларини ҳам бир чеккага йиғиштириб қўйиб, кенжатойим Лола билан келиб, мулоқотдан мамнун бўлдим. «Оқшом»да берилаётган тарихимизга оид, маданий меросимизга оид мақолаларни жуда қизиқиб ўқийман. Янги йилда ҳам газетанинг бугун бу ерда айтилган самимий истаклар асосида ранг-баранг мақолалар эълон қилишига ишонаман.

Эркин ҚОДИРОВ,

Гулистон шаҳридаги трикотаж кооперативи ҳизматчиси.

◎ «Оқшом» газетасининг доимий обуначисиман. Синглим Тошкентда яшайди. Бугун уни кўргани келган эдим, ушбу учрашувдан хабардор бўлиб қолдим. Кечага келиб янглишмаган эканман: «Оқшом»нинг 1990 йилги режаларидан хабардор бўлдим, санъаткорларнинг чиқишларидан қалбим қувончга тўлди. Ушбу учрашув ташкилотчиларига катта раҳмат.

(раҳбари А. Мельничук), эстрада-цирк санъати студиясининг студенти Марина Киселевага, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Тўхтасинов раҳбарлигидаги «Дилшод» ансамбли аъзоларига, Ўзбекистон радиосининг хушовоз хонандаси Носир Алимаҳсумовга, «Ханда» сатира ва юмор ансамблининг бадиий раҳбари Шерқўзи Ғозиевга, Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчиси Болтабой Сайрамовга, «Оқшом» мухлиси, педагог Убайдулла Абдуллаевга, Ўрта Осиё сатира ва юмор клуби — «Арқон» клуби аъзоси, ёзувчи Олег Кербелга самимий миннатдорчилик изҳор этади.

Ушбу учрашув ҳақидаги ҳисоботга сўнгги нуқта қўйишдан аввал унда иштирок этган Фрунзе район партия комитетининг иккинчи секретари В. М. Плешаковнинг ошкоралик руҳидаги бундай ошкора мулоқотларнинг яхши анъанага айланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлагани ва унда катта маъно борлигига кеча ниҳоясида яна бир карра ишонч ҳосил қилганлигимизни айтмоқчимиз.

Ҳа, «Оқшом» редакцияси бундан буён ҳам шаҳримиз маҳаллаларида, меҳнат коллективларида, олий ўқув юртларида шундай янги учрашувлар ўтказиш режаларини тузмоқда.

С. БОҚИЕВ.

◎ СУРАТЛАРДА: «Оқшом»нинг фрунзеликлар билан бўлган мулоқотидан лавҳалар.

Р. Шарипов суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ССР Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Судларнинг оқловчи асослар юзасидан оқлаб ҳукм чиқариш ва жиноий ишларни тўхтатиш практикаси муҳокама қилинди. Республикада амалга оширилаётган демократиялаш ва ошкоралик жараёнлари судларнинг гражданлар ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишни таъминлаш ишини қайта қуришга сезиларли таъсир қилаётганлиги таъкидланди. Судлар далил-исботларни тадқиқ этиш ва баҳолашга, дастлабки тергов материалларини текширишга, қонун нормаларининг бузилишига принципиаллик билан ёндашадиган бўлиб қолдилар. Натижада оқловчи ҳукмлар сони анча кўпайди. Шикоят-аризаларни кўриб чиқувчи ва назорат қилувчи судлар томонидан оқловчи асослар юзасидан тўхтатилган ишлар сони анча кўпайди. Бундай ишларнинг анча қисмини бевосита республика олий суди тўхтатди.

Шу билан бирга, деб таъкидланди пленумда, республика судларининг иши ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқтартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарори талаблари етарлича бажарилмаяпти. Айбнома бир-бирига қарама-қарши, етарли даражада тадқиқ этилмаган далил-исботлар асосига қурилган ишлар юзасидан ҳукм чиқариш фактлари тугатилмаган. Баъзан айби исботланмаган кишининг айбсизлиги принципи назар-писанд қилинмаяпти. Судлар бир қанча ишлар юзасидан оқловчи ҳукм чиқариш ўрнига уларни қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб, бу билан қонуннинг бузилишини тағин ҳам чуқурлаштирдилар. Айни пайтда асоссиз равишда оқлаб юбориш ёки жиноят содир қилган, шу жумладан оғир жиноят қилган шахсларга нисбатан ишни тўхтатиш фактлари оз эмас.

Кўпгина область судлари шикоят-аризаларини кўриб чиқиш тартибида ишларни текширишда тегишлича талабчанлик қилмаётирлар. Гражданларнинг асоссиз ҳукм чиқарилганлиги ҳақидаги шикоятлари расмиятчилик билан кўриб чиқилмоқда, узоқ-вақт давомида тўғри ҳал қилинмай қолмоқда.

Пленум судларнинг эътиборини одил судлов савияси ни янада ошириш заруррлигига қаратди, бунда қонун талабларига қатъий риоя қилмай туриб гражданларнинг СССР Конституциясида гарантияланган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш мумкин эмаслигини назарда тутди. Суд ҳукми бўлмаса ҳеч ким жиноят содир этишда айбдор ҳисобланмаслиги, шунингдек жиноий жавобгарликка тортилмаслиги керак.

Пленум асоссиз равишда жавобгарликка тортиш ва гражданларни маҳкум этишга доир ҳар бир фактни социалистик қонунни қўпол равишда бузиш, деб қараш лозимлигини таъкидлади. Бундай бузиш сабабларини аниқлаш ҳамда гражданларнинг асоссиз ҳукм этилишига йўл қўйган ходимларга нисбатан энг қаттиқ чораларни кўриш зарур.

Пленум биринчи босқич судларда гражданлик ишларини кўриб чиқиш чоғида процессуал қонунларни қўлланиш тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилди. Суд практикасини ўрганиш айрим ишларнинг ниҳоларни тўғри ҳал қилиш учун жиддий аҳамиятга молик тафсилотлари юзаки тадқиқ этилаётганлигини кўрсатди. Ишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқариш ва даъвони кўриб чиқмай қолдириб юбориш чоғида хатоларга йўл қўйилмоқда. Олий суд пленуми гражданлик ишлари турини аниқлаш, муроса битимлари тузиш шартлари, иш юзасидан суд қарорини чиқармай уни кўриб чиқишни тугатиш шаклларини изоҳлаб берди.

Конкрет суд ишлари юзасидан протестлар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР прокурорининг протестларига мувофиқ шахсга сиғиниш даврда ғайриқонуний равишда репрессия қилинган бир қанча гражданларга доир ишлар кўриб чиқилди. Ана шу гражданлар пленум қарори билан оқландилар.

(ЎзТАГ).

Футбол

Эртага Марказий «Пахтакор» стадионида майдон эгалари СССР 52-чемпионатининг 32-тур ўйинларини ўтказишади. Улар Абовяннинг «Котайк» футболчиларини қабул қилишади. Шанба куни «Пахтакор» Кутаисининг «Торпедо» спортчиларини қабул қилиб, 5:1 ҳисобида ғалабага эришди.

Ана шу турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Нефтчи» — «Спартак» — 5:3, «Қайрат» — «Котайк» — 0:1, «Геолог» — «Нистру» — 3:2, «Шинник» — «Таврия» — 1:0, «Гурия» — «Даугава» — 4:0, «Динамо» (Ст.) — «Карпати» АСК — 1:0, «Факел» — Марказий Армия спорт клуби 0:0, «Ростсельмаш» — «Кузбасс» — 1:0.

Тўла хўжалик ҳисоби: *муаммо ва ечимлар*

Ҳаёт киритаётган ўзгартишлар

«Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар бирлашма коллективига, унинг раҳбарларига муҳим дастуруламал бўлиб қолди. Ушбу қарор меҳнат коллективларига тўлиқ хўжалик ва иқтисодий мустақиллик бериб, уларнинг ташаббусига кенг йўл очиб беради.

Икки йил муқаддам давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги СССР Қонуни меҳнат коллективлари ҳуқуқини бирмунча кенгайтирган эди. Шу билан бирга амалиёт шу нарсадан далолат бердики, қабул этилган бу қонуннинг айрим мукаммаллашмаган бандлари бор экан, чунки ишлаб чиқариш, ҳаёт ўз ўзгаришларини киритиб турибди.

Қонунга киритилган ўзгартишлар ишлаб чиқаришни бошқаришни демократиялаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Меҳнат коллективларига хўжалик юритишнинг қайси кўринишига ўтиш мустақиллиги берилди, бундан ташқари энди корхона идоралар қарамоғидан чиқиш имконига ҳам эга.

Қонунга ўзгартиш киритилиши муносабати билан тармоқ идоралари давлат буюртмаси беришдек буйруқдан маҳрум бўлдилар. Ушбу ҳуқуқ фақат Давлат план комитетидагина қолди, холос.

Қонуннинг қатор бандларига муҳим ўзгартишлар киритилди. Лекин менинг фикримча бу ҳозирча қоғозда, амалда қандай рўёбга чиқади, буни ҳаёт кўрсатади.

Бизнинг бирлашмамиз тўрт ташкилотдан иборат: Ҳисоблаш маркази кибернетика институти — бош ташкилот, тажриба базаси ва конструкторлик бюросига эга бўлган «Алгоритм» илмий-текшириш институти, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси махсус лойиҳа-конструкторлик бюроси ва тажриба-эксперимент заводи. Кибернетика институтидан ташқари қолган ташкилотлар тўлиқ хўжалик ҳисобига 1989 йил бошидан ўтиб ишламоқдалар. Ушбу ташкилотларда меҳнат коллективи кенгашлари тузилган, молиявий, хўжалик ишлари тўлиқ назоратда. Масалан, илгари моддий рағбатлантириш фондлари маъмурият қўлида бўларди ва уннинг кўрсатмаси билангина фойдаланилар эди. Ҳозир эса ҳар бир бўлим, сектор ўзи ишлаётган даромадни ўз коллективида қандай сарфлашни мустақил ҳал этади. Моддий-техника база ҳам ҳар бир ходим, бўлим тавсияси ёрдамида бунёд этилади. Ўз-ўзини иш ҳажми билан таъмин эта олмаган бўлим тарқатиб ҳам юборилмоқда. Шунинг учун корхона билан тузилган хўжалик шартномасининг бажарилиши ҳар бир ходим учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб ҳисобланади ва ҳар бир ходимнинг бўлим олдига қўйилган масалани ҳал этишдаги улуши умумколлектив назорати остида бўлади. Бунинг устига бўлим коллективи олдида белгиланган иш ҳақи пули доирасида қанча ходим ишлаш кераклиги ҳақида расмий кўрсатма ҳам йўқ. Бўлим 10 нафар ходим ўрнига 5 ходим ишлаб, белгиланган ишни ўз вақтида ва сифатли бажарса, иш ҳақини ҳам икки баробар кўп олиш ҳуқуқига ва имконига эга. Бу, албатта ишнинг кўзини биладиган, ўз соҳасининг устаси бўлган ходимларни эъзозлаш, қош қўяман деб кўз чиқарадиганларни жазолашга олиб келади.

Кибернетика институти устида ғап борар экан, шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу институтда ишловчи ходимлар бюджет ва хўжалик шартномаси асосида ишловчи категорияга бўлинадилар. Назарий проблемалар билан шуғулланувчи академия институтлари, жумладан кибернетика институти ҳам тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтмаганлар. Академиянинг илмий ташкилотлари хўжалик юритишнинг янги усулига 1989 йилнинг иккинчи ярмида ўта бошладилар. Чунки бюджетда ишловчи ходимлар шуғулланувчи илмий муаммолар СССР Фанлар академияси, илмий-техника давлат комитети ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланади ҳамда конкурс асосида 2—3 йилга мўлжаллаб маблағ ажратилади. Илмий ташкилотларнинг тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтмаганлигининг сабаби ҳам шунда. Яъни халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган ва перепектив муаммоларни ҳал этишга мўлжалланган илмий муаммолар учун давлат махсус маблағ ажратиб турибди. Лекин бу ерда ҳам ўзига хос охиригача ҳал этилмаган муаммо бор. Иттифоқ миқёсида ҳал этилувчи проблемалар билан бир қаторда бевосита республика ҳаётига, халқ, хўжалигига ва келажагига оид илмий муаммолар мавжуддир. Ана шу муаммоларни чуқур таҳлил этиб, тегишли идораларда тасдиқланганидан сўнг Иттифоқ бюджетидан пул ажратиб, республиканинг ўзида конкурс эълон қилиш йўлини топиш керак. Акс ҳолда маҳаллий масалаларни ҳал этиш шу масалалар мазмунини чуқур тушуниб етмаган мутахассислар қўлига тушиб қолиб муаммо-муаммолигича қолиши мумкин. Менинг фикримча, республика Министрлар Советида илм-фаннинг турли хил тармоқларини ривожлантириш ва шу тариқа маҳаллий халқ хўжалигининг қолоқ қисмларини талаб этилган даражага кўтариш, Озиқ-овқат программасини, экологик, ижтимоий, иқтисодий масалаларни қоладверса, республика хўжалик ҳисобини тўла хўжалик ҳисобини ҳал этиш учун сарфланадиган бюджет маблағи бўлиши керак. Чунки республика Фанлар академияси Министрлар Советига бўйсунади. Белгиланган маблағни биринчи даражали илмий йўналишларга белгилаб, илмий институтлар ва ташкилотлараро конкурс эълон қилиш керак.

Икки йил муқаддам қабул этилган қонуннинг корхонани (бирлашмани) бошқариш ва меҳнат коллективининг ўз-ўзини бошқариши қисмидаги бешинчи бандида бирлашманинг структура бўлимлари шу бирлашма тасдиқлайдиган низом асосида ишлайди. Ва ҳар бир структура бўлими айрим баланс ва ҳисоб-китобга эга бўлади, дейилган. Олтинчи бандида бирлашманинг таркиби юқори ташкилот орқали тасдиқланади, бирлашмага кирувчи структурасини эса бирлашманинг ўзи тасдиқлайди, дейилган. Ана шу бандларга асосланиб, 1988 йилда бирлашмадаги электрон машинасозлиги, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш йўлланмасидаги хўжалик шартномаси билан шуғулланувчи бўлимларнинг мажмуасида «Интеллект» марказини ташкил этиш таклифи киритилди. Бу учун ташаббус муаллифлари марказий олий ўқув юртлари, СССР Фанлар академияси ва СССР илмий-техника давлат комитетига мурожаат этишди. У ердан ижобий жавоб олдик. Ушбу марказни ташкил этиш бирлашма меҳнат коллективи кенгашида, кибернетика институти илмий кенгаши мажлисида, республика Фанлар академияси механика ва бошқарув жараёнлари бўлимининг сайёр кенгашида муҳокама этилиб, ижобий қарор қабул этилган эди. Бироқ Фанлар академиясининг план-иқтисод бошқармаси икки оёқни бир этикка тиқиб, ушбу масаланинг силжишига тўғаноқ бўлиб олди. Шу орада ушбу масала Тошкент область партия комитети махсус комиссиясида ҳам кўрилиб, Фанлар академияси президиумига ушбу масалани ижобий ҳал этиш ва ҳатто қонун тақозо этса, янги марказда илмий муаммолар билан шуғулланувчи бўлимлардан ҳам фойдаланиш мумкин деган мулоҳаза-фикр ҳам айтилди. Бироқ ҳали марказ ташкил этилгани йўқ. Яъни бирлашманинг янги қонундаги ва қайта қуриш моҳиятидаги афзалликлари ҳаётда амалга ошмай келаяпти. Лекин тез кунларда ушбу марказнинг ташкил этилишига ҳеч қандай шубҳа йўқ, чунки Фанлар академиясининг фикри асосан ижобийдир. Лекин агар ҳар бир кўрсатилган ташаббус ва қонундаги бандларни жорий этиш шу тарзда олиб борилса, ҳар қандай қонун фақат қоғозда қолиб кетиши табиийдир. Шунинг учун қандайдир қонун ёки қарорни бунёд этиш билан бирга уни ҳаётга, бевосита ишлаб чиқаришга жорий этиш йўл-йўриқ ва воситаларини ҳам чуқур ўйлаш ва бу йўналишда керакли тадбирларни ишлаб чиқиш даркор.

Н. МУМИНОВ.
«Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор.

Мураббий ва шогирдлар... Шаҳар корхоналаридаги умумий иш натижалари айни пайтда кўп жиҳатдан уларнинг ҳамкорлиги ва масъулиятига боғлиқ. «Ташсельмаш» заводининг йиғув участкаларида айнан ана шу масъулият туфайли самарали натижаларга эришяптилар.

Суратларда: слесарь-йиғувчи участка мастери Х. Азизов ва мастер В. Перфильев, слесарь М. Астанов ва мастер Н. Аҳмаджоновлар меҳнат қилаётган цехларда ҳар бир иш жараёнлари юқори унум билан амалга оширилади.

Т. Каримов суратлари.

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

Нафосатга ошно бўлиб

Экран кўзгуси орқали театр ёки концерт томоша қилаётганингизда хонанда ва раққосаларнинг чиройли дид билан тикилган қўйлакларини кўриб вужудингиз яйраб кетади. Бир зумда «Қайси фабрикада тикилган экан», дея ўзингизча ўйлай бошлайсиз. Уни тайёрлаган моҳир қўлли чеварларга ҳурматингиз ошади. Ўзига хос кўркам бу либослар ҳозир шаҳримиздаги театр-эксперименталь комбинатида тайёрланяпти. Томошабинларни қувонтирадиган, уларга хуш кайфият бағишлайдиган либосларга ўнлаб чеварлар дил меҳрини, қалб қўрини бағишламоқдалар. Ана шундай филойи касб эгаларининг бири тикувчи Муҳайё Юнусжоновадир.

Муҳайёнинг ёшлигиданоқ зеҳни ўткирлиги кўзга ташланиб турарди. Узун қиш кечалари меҳрибон волидаси олти нафар болани атрофида тўплаб, дўппи тикарди. Уларнинг орасида Муҳайё онажонисига тақлид қилишга кўпроқ қаракат қилар, ниманидир тикишга интиларди. Шу-шу тикувчилик билан боғланиб қолди. У тикқан дастлабки сўзана ўзи ўқийдиган мактабдаги кўргазмага қўйилганида ўн тўрт ёшли қиз қувончларини яшира олмади. Тикувчиликка бўлган қизиқиш уни ишчи-ёшлар ҳунар-техника билим юрти сари бошлади. Муҳайёдаги истеъдодни сезган синчков мураббийлари унга театр-эксперименталь комбинатида ишлашни тавсия этишди ва йўлланма беришди. Комбинатнинг иши бошқа чеварчилик фабрикаларига нисбатан анча мураккаб экан. Биргина мисол, фабрикада битта маҳсулот тайёр ҳолига келгунча, бир неча чеварнинг қўлидан ўтади. Комбинатда эса мутлақо бунинг акси. Битта костюм ёки бошқа кийимни тайёрлагунча ёлғиз чеварнинг ўзи тиним билмайди.

1967 йилда Муҳайё Юнусжонова комбинатнинг эркаклар кийими бўлимида иш бошлади. Комбинатда республикамиз бўйича, ҳатто иттифоқдош республика театрларига саҳна учун либослар тикилади. 1971 йилда Муҳайё Юнусжонованинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлди — у шонли Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Коммунистчасига яшаб, коммунистчасига меҳнат қилишни шиор қилиб олган Муҳайё Юнусжонова қийинчиликлардан чекинмади. Унинг ҳаётда ўз қараши бор эди: театр учун тикилган либосга кўз нурингни қанчалик яхши сингдиролсанг-гина тиккан либосларинг оҳангарабодек бошқаларни сеҳрлаб олади.

Кейинчалик комбинат коллективининг ҳаётида бир қанча унутилмас воқеа рўй берди. Кўп йилдан бери комбинатда ўқув цехи ташкил этишга эҳтиёж сезиларди. Комбинатга келган ўқувчи ёшлар асосан мастерга ёки тикувчига бириктириб қўйиларди.

— Янги ўқув цехи ташкил қилсак, — деб қолди бир куни Муҳайё Юнусжонова, — ёшларнинг касб сир-асрорларини ўрганиши осон бўларди. Сафдаримиздаги чеварлар ҳам кўпаяди.

Комбинат директори Худойқул Имомовга, цех бошлиғи Салима Қодировага коммунистнинг шахсий ташаббуси маъқул тушди. 6 нафардан зиёд ўқувчи Муҳайё Юнусжоновага шогирдликка тушди.

— Узоғи билан бир йилда ўқувчиларимиз тикувчиликни эгаллашади, деб ўйлардим, — дейди у. — Энди эса бу ишни барвақтроқ уддалаш мумкинлигига ишончим комил бўлди. Иқтидорли ёшлар ҳозир бўш келишмаяпти. Улардаги қизиқишнинг зўрлиги учунми саҳна учун тикиладиган миллий руҳдаги кийимлар — тўн, қийиқча, кўйлак маҳоратли чеварларникидан фарқ қилмаяпти. Либослар охиригача биргина тикувчининг қўлидан ўтади. Тикиладиган буюртмаларимиз ҳар куни, ҳар соатда ўзгариб туради. Шунга мувофиқ биз доимо изланишдамиз. Либос тайёр ҳолига келтирилиб, кўргазмага қўйилганда қувончимнинг чеки бўлмайди. Негаки, она ўзининг фарзандини ардоқлагандек, мен ҳам тиккан либосларимга юрагимнинг бир парчасини бераман.

Эркаклар кийими бўлимида Муҳайё Юнусжонова билан бир сафда Марҳамат Шотиллаева, Лола Умарова, Ҳикоят Ҳакимова каби сўзи бир, иши бир тикувчилар меҳнат қилмоқда. Сафдошлари орасида либосларининг муваффақиятли чиқишида бичувчи Виктор Оснушковнинг ҳам хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қўли гул чевар Муҳайё Юнусжонова доимо изланишда. Жамоат ишларида ҳам фаол. Уй-жой масаласи бўйича меҳнат комиссиясининг аъзоси. Бу жамоат топшириғи талабчан коммунистга асло халақит бермайди. Аксинча, одамлар билан бирга бўлишига, уларга суяниб ишлашига йўл очади.

Ў. АҲМЕДОВА,
«Тошкент оқшоми» жамоатчи мухбири.

Озиқ-овқат программаси бўғинлари

Сут йўлидаги ғовлар

Гап кундалик ишларимиз тўғрисида бормоқда.

«Москва» гастрономига кириб сўрадик: сут эскириб қолмаганми?

— Ҳозиргина олиб келишди... Полиэтилен пакетни очиб Узбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига қарашли Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулоти ачиб қолганини кўрдик. Бунинг сабаби воқеа ойнинг 13-кунида бўлганида эмас. Бундай кўнгилсиз ҳодисага ана шу муҳим маҳсулотни истеъмол қилувчилар тез-тез дуч келадилар. Агар катталар савдо тавсия этаётган ҳамма нарсани бемалол истеъмол қилса, ачиган сут маҳсулотлари болаларга ёмон таъсир қилади.

Лекин истеъмолчи ўртоқлар, хафа бўлманглар. Сиз тўғрингизда ғамхўрлик қилишаяпти. Хусусан, Узбекистон стандартлар ва метрология маркази ходимлари жон куйдиришаяпти. Улар сут таркибида кислота кўплиги, суюқлиги учун маҳсулотларни кўп марта бракка чиқаришди. Бунинг сабаблари ҳам кўрсатиб берилди: хўжаликлар етказиб бераётган сутнинг сифати яхши эмас. Бунинг устига сут эскирган ускуналарда қайта ишланмоқда. Бундай шароитда болалар учун сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш қийин.

Бу хусусда Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Н. Муҳиддинов бундай дейди:

— Биз республика санитария эпидемиология станциясига, Соғлиқни сақлаш министрлигига мурожаат қилиб хом ашёнинг сифатсизлиги сабабли болалар учун сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳаққимиз йўқлигини айтдик. Аммо бизнинг маҳсулотимизни тез-тез текшириб турадиган санитария-эпидемиология станцияси ходимлари хом ашё етказиб берувчиларга ҳам тегишли талаб қўйишмаяпти. Таркибида антибиотиклар, заҳарли химикатлар, сода, аммиак ҳам бўлган сутни нима қилиш керак — корхоналаримизга бундай сут келтирилмаслиги учун ана шу масалани ҳал қилиш лозим.

Шундай қилиб сут йўлидаги ғовлар бошланди. Аввало гапни ем-хашакдан бошламоқ керак. Ем-хашак ёмон, унинг таркибида пестицидлар кўп, — деди Тошкент область агросаноат комитети раисининг ўринбосари Ш. Мусаев. — Бунинг устига Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасида эмас, балки хўжаликлар сут топширадиган сепаратор пунктларида қаттиқ назорат режимини ўрнатиш керак. Сўнгра совутиш қурилмалари масаласини ҳал қилиш лозим — бундай қурилмалар етишмаяпти. Тайёрланаётган сутнинг сифати тўғрисида область ижроия комитетига, республика Министрлар Советига ёзиш керак...

Уни қаранг, бу гапларни область агросаноат комитети вакилидан эшитаяпмиз. Тўғри, совутиш ускуналарини, машиналарни, фляга ва ҳатто докани ҳам фақат юқори ташкилотлар ажратиб беради.

Республика Давлат агросаноат комитетининг вакили О. Гинатуллина ҳам ана шундай ғалати мулоҳазаларни айтди: биз корхонада сифатли маҳсулот чиқаришни талаб қиляпмиз-у, нега сифатли хом ашё етказиб беришни колхоз ва совхоздан талаб қилмаймиз?

Хўш Агропромдаги ўртоқлар, нима учун талаб қилмаяпсиз?

— Нима учун тозалаш ускуналари ишламайди, нима учун умуман сифатсиз сут етказиб берилмоқда,—деб савол беради Тошкент прокуратурасининг вакили Е. Маннонова ва ўзи шундай хулоса чиқаради: — корхона сутни хўжаликлардан алоҳида-алоҳида қабул қилиб олиш масаласини ҳал қилиши лозим, сутнинг сифати тўғрисида область агросаноат комитети раисининг ўринбосари Ш. Мусаев. — Бунинг устига Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасида эмас, балки хўжаликлар сут топширадиган сепаратор пунктларида қаттиқ назорат режимини ўрнатиш керак. Сўнгра совутиш қурилмалари масаласини ҳал қилиш лозим — бундай қурилмалар етишмаяпти. Тайёрланаётган сутнинг сифати тўғрисида область ижроия комитетига, республика Министрлар Советига ёзиш керак.

Бу гаплар сизга ғалати туюлмаяптими? Муаммонинг муҳимлигини ҳамма сезиб турганга ўхшайди-ю, лекин буни ҳеч ким ҳал қилишга қодир эмас. Ваҳоланки, бу муаммонинг манбалари ҳар қалай аниқланган.

— Сутни нима қилишни колхознинг ўзи ҳал қилади, —дейди Республика санитария-эпидемиология станциясининг вакили Л. Талдикина, қондани бузишга қатъий чек қўйиш лозим бўлган органнинг ожизлигини тан олиб.

Лекин пировард маҳсулот сифатсизлиги учун фақат хўжаликлар айбдорми? Давлат назорати ходимлари билан биргаликда Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасининг болалар учун сут маҳсулотлари тайёрлайдиган цехига кирамиз. Амалда эса иккинчи нав хом ашёдан ҳам фойдаланилаяпти, чунки сутни қабул қилиб оладиган линия битта бўлиб, хўжаликлардан келтирилган сут ҳам, сепаратор пунктларидан келтирилган сут ҳам аралаштириб юборилади. Цехда кефир ҳали тўла тайёр бўлмай ва совутилмай чиқариб юборилади...

— Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳозир хўжаликлардан ва сепарат пунктларидан сут қабул қилиб олишнинг алоҳида режими жорий этилган, — деди Ўзбекистон Стандартлаш ва метрология марказининг давлат инспектори А. Кузнецова. — бунда келтирилаётган хом ашёнинг ҳар бир туркуми текширилади. Аммо бундай режим сут сифати жуда пастлигини яна бир бор кўрсатди. Сут етиштириш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларида зарур тартиб ўрнатилмас экан, истеъмолчиларнинг эътирозлари камаймаслиги турган гап.

Сут йўлидаги муюлишлар ана шундай...

В. КУРНОСОВ,
Ўзбекистон Стандартлаш ва метрология марказининг ходими.

Дўстлар тажрибаси

Олимлар таклифи

⊙ БУДАПЕШТ. ТАСС мухбири Андрей Жукдин хабар беради: штатлар қисқартирилиши натижасида ишдан бўшаган киши энди бутунлай ишсиз қолдим деб, йиғламаслиги керак. Венгрия Фанлар академиясининг Венгрияда ишсизлик сабаблари ни тадқиқ этган олимлари шундай хулосага келдилар. Мутахассислар ишсизлик оммавий ҳодиса бўлмаслиги учун унинг олдини олишга оид таклифлар ҳам тайёрладилар.

Олимлар ишлаб чиққан кенг тадбирлар программасида, жумладан йирик норентабел корхоналарни маҳаллийлаштириш, уларни мустақил хўжаликларга айлантириш имкониятларидан янада фаол фойдаланиш ҳўзда тутилади. Одамларни ишга жойлаштириш бюроларига катта аҳамият берилмоқда. Улар оддий воситачиликдан иш қидираётган кишиларга амалий ёрдам берувчи, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи органларга айланиши лозим. Программада омилкорликни, масалани, маиший хизмат соҳасида биргаликда корхоналар ташкил этишни акционерлик жамиятлари, ширжойлар ташкил этишни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш зарурлигига эътибор жалб этилган. Ҳозирги вақтда Венгрияда ишлаётган кишиларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этаётганлиги муносабати билан улар учун ўзгарувчан график, тўла бўлмаган иш кунини кенг жорий этиш мўлжалланади.

Венгрия ҳукумати ишсизлар имкони борича аҳолининг камроқ қисмини ташкил этиши учун фаол куч-ғайрат сарфламоқда. Шу мақсадда катта тадқиқот ишлари ўтказилиб, энг истиқболли тармоқларда мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тармоғи кенгайтирилмоқда. Бутун мамлакатда иш жойлари тўғрисидаги маълумотлар банклари ташкил этилиб одамларга чет элларда ишлашга рухсат бериш тартиби осонлаштирилмоқда.

59 та савдо банки тузилади

⊙ СОФИЯ. Болгарияда банк хизматининг мутлақо янги структураси тузилмоқда. У мамлакат экономикасини фирма ташкилотига ўтказишнинг кредит-молия базаси бўлиб қолиши керак. Болгария халқ банки правлениесининг бу ерда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида 59 та савдо банки тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди, бу савдо банклари акционерлик жамиятларидан иборат бўлади. Ана шу банклар территориал принцип асосида иш олиб бориб, фирмаларнинг бевосита шериклари бўлади, бу эса исловот ташаббускорларининг фикрича, экономика янги структурасининг имкониятларини очиб бериши, қайта қуришнинг ижтимоий жиҳатларини амалга оширишга ёрдам бериши керак.

Мажлисда қабул қилинган қарорга мувофиқ Болгария банкининг катта бўлимлари яқин ойларда акционерлик савдо банкларига айлантирилади, бунда манфаатдор фирмалар, Болгария халқ банки ва бошқа банклар акционерлар сифатида иш олиб борадилар. Уларга бошқа аҳоли пунктларида у ерда иш олиб борадиган фирмаларга тағин ҳам оператив хизмат қилиш учун бўлимлар очиш ҳуқуқи берилади.

Тошкент чинниларининг довруғини эшитмаган хонадонларни бутун республикамизда топиб бўлмаса керак. Лекин кичик бир чойнак, коса ёки пиёлани яратиш қанчалик қанча меҳнат талаб қилишини ҳанузгача кўпчилик билмайди. Қолипдан чиққан чойнакларга махсус кимёвий суюқлик билан ишлов берилади. Шундан сўнг юқори иссиқликда пиширилгач, у ялтироқ бўлиб чиқади.

Суратда: химиявий суюқлик билан ишлов берувчилар Н. Мусаева ва М. Маъдиевалар.

Х. Мирзакаримов сурати.

Куюнчаклик билан ёзилган

Арзимизни кимга айтайлик?

Биз истиқомат қилаётган 4-уйда 161 оила яшайди. Ҳар бир оилада 2—3 тадан бола бор. 5, 8, 9 фарзандли оилалар ҳам кўп. Лекин ҳовлида на ўйнайдиган жой, на дам оладиган майдонча бор. Ҳовлининг ярмидан кўпроқ майдонини магазин эгаллаб олгани етмагандек, яна анчагина қисмини юқори вольтли трансформатор банд қилиб қўйган. Унинг овози тунда бизни ухлатмайди. Атрофида кабеллар кўпниб, симлар осилиб ётади. Бу ҳам етмагандек кўпинча унинг эшиклари очиқ қолади. Биз эса бирор бахтсиз ҳодиса юз бермаса бўлди деб куну тун ҳалак бўлиб чиқамиз.

Юқоридаги қийинчилик ва бошқа қатор камчиликлар ҳақида биз бир неча бор 64-турар жойлардан фойдаланиш бошқармасига, халқ депутатлари Октябрь район Совети ижроия комитетига мурожаат қилдик. Аммо фойдаси бўлмади. Мазкур «Чорсу» массивидаги 8, 9, 11-уйлар оралиғидаги бир қаватли қурилмаларга кооператив сабзавот магазини, Ўрта Овулдаги гўшт комбинатининг магазинлари, кабобхона, «Музқаймоқ» дўконлари жойлашган. Ваҳоланки, массивнинг бош планига асосан шу жойларнинг бирига нон ва баққоллик, иккинчисига эса сут ва гўшт маҳсулотлари дўконлари жойлашиши керак эди. Лекин афсуски, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган магазинларда ҳеч ваҳо топилмайди. Маҳсулотларнинг озлиги, сифатининг ёмонлиги, нархининг баландлиги туфайли ҳар иккала фирмали магазинда сотувчидан бўлак одамни учратиш қийин. Шундай экан 65-озиқ-овқат магазини 11-уй биқинидаги гўшт комбинати дўкони ўрнига кўчирилса айни муддао бўларди.

Кунимиз «Бор отангга, бор онангга» дегувчиларга қолди. Негаки, «Чорсу» массиви ташкил этилаётган 75-йилларда тўртинчи уй ҳовлисида қурувчилар эҳтиёжи учун вақтинчалик шу озиқ-овқат магазини ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда у планда ҳам, лойиҳада ҳам қайд этилмаган. «Г» шаклида қурилган 4-уй ҳовлисининг катта қисмини эгаллаб ётибди. Ҳаёт учун хавфли бўлган юқори вольтли электр буткасини хавфсиз жойга кўчиришни ҳам тезроқ ҳал этиш керак.

«Чорсу» массивида 15 та уй ёки мингдан ортиқ хонадон истиқомат қилади. Лекин замонавий озиқ-овқат магазини, сартарошхона, «Союзпечать» дўкони йўқ. Гўшт комбинатига қарашли магазин эса ҳамон бўш ётибди. Агар ана шу магазин ўрнида шароитлари бор озиқ-овқат магазини очилса мақсадга мувофиқ бўларди. 160 хонадон жойлашган 4-уй ҳовлисини эгаллаб ётган эски магазин ўрнида эса болаларнинг ўйин майдончаси ва қариялар учун дам олиш жойларини ташкил этиш мумкин. Аммо бу талаб учун яна дакки эшитмайлик деб чўчиймиз. Ахир бормаган эшигимиз қолмади. Энди арзимизга ким қулоқ тутаркин?

Ҳ. ЙАҲКАМОВ,
Октябрь район, Самарқанд дарвоза кўчасидаги 4-уй комитетининг раиси.

ЧССР. Ҳайвонларга муносабат инсон меҳрибонлиги, раҳмдиллиги, қалб саҳоватининг мезони бўлиши мумкин. Бундай муносабат Либерец шаҳрининг ҳайвонот боғи хизматчиларидан бирининг мана бу қизи билан бўлганидек, ёшликдан тарбияланиши лозим. Суратдан кўриниб турибдики, у йиртқич ҳайвон болалари билан жуда чиқишиб кетган, бир-бирлари билан тил топишишган.

ЧТК—ТАСС суратн.

АДАБИЁТ ва САНЪАТ

Назм дафтаридан

Отангга ўҳшаб кетдинг...

Онам тонгда уйғонди мунис кўзларида ёш,
Худди бирор нарсадан ҳадиксираб боладек.
Қалби тутаб боради, аммо берарди бардош.
Сочлари тўзғиб кетган, қиров босган даладек.
Долғаланган умрлар варағини титдими!
Гоҳ бахтиёр, гоҳ дардли ўтган кунларни эслаб.
Кўриб-кўролмай қолган падарим ёд этдими,
Ёки ёмон туш кўриб чўчидими кекса қалб!
— Қайғурма жоним болам, тобим қочиб турибди,—
Дейди онам кўксимга босиб қуёшдек бошин.
Билиниб турибдику изтироб ўртар уни,
Энтикар кўзларидан тиёлмайди ёшини.
— Тушимга кириб чиқди, бугун отанг болажон,
Сени йўқлаб қидирар, тугуни бор қўлида.
«Ўғилгинам қийсин деб, янги сарпо келтирдим»,
Деб, яна олға кетди, туман босган йўлидан.
Қўлим чўзиб ортидан термулиб қараб қолдим,
Йўл бошида қўйди у фуражкасин силкитиб.
Талпинаман энтикиб, ёниб борарди қалбим,
Қанча интилмай болам, бора олмадим етиб.
Ўттиз йил кутдик уни, ўттиздан ошди ёшим
Кўплар дийдор кўришди аммо отам қайтмади.
Омон бўлсин оламда онажоним қуёшим,
Уксинмасин деб менга, отанг йўқ деб айтмади.
Айтмади, онажоним, отанг йўқ, деб бирон он,
Отали онлалар каби яшаб бус-бутун.
Азиз падарим эслаб қалбим чекканда фиғон,
— Ўғлим отанг келади, дерди эшикдан бир кун.
Ўша бир кун келмади, ўттиз йил кутдик уни
Ўша бир кун келмади, ўттиз йил ош сузуғлик.
Келмади ўша бир кун санаб ўтдик ҳар кунни
Ҳар йили куз келганда шипда узум осиғлик.
Ҳар кузда янгиланар чиптадаги қовун ҳам,
Онам шиннни пишириб, тўрвага солар майиз.
Соғинч!
Соғинч инсонни яна этаркан бардам
Ҳамон отамни эслаб, эшикка кўз тутамиз!
Ўғилгинам, Ворисжон, кел энди очгил буни,
Деди онам тугилган бир рўмолни кўрсатиб.
Отанг қайтса кияр, деб олиб қўйгандим уни.
Бўлмади тақдир экан унга кийдириш насиб.
Унга насиб бўлмади кўриш йиғит бўйингни,
Унга насиб бўлмади яшаш бахтли замонда.
Қанча кутдим нигорон, қилай энди тўйингни
Наҳот мангу қолди у ўша олис томонда.
Тушин таъбирин айтиб онам тутди сарпони:
— Болам, отанг етмаган муродга ўзинг етгин.
Деб ўпиб пешонамдан ортди яна фиғони:
— Бўйларингдан ўргилай, отангга ўҳшаб кетдинг...
...Катта тўй бошланади битта кичик ҳовлида
Падарим таниганлар менга боқар бирма-бир.
Отасин ўзи бўпти, дейди биров шивирлаб,
У каби мард бўлсину, аммо кўрсин кўп умр...

Пўлат НИШОНОВ.

Кўзлар

Кўзларим шу кўзларда ҳамон
Олам-олам мазмун бор унда.
Ногоҳ қнё боқса мен томон,
Сеҳрланар юрагим шунда
Сақлаб юрган юрак сўзларим
Бирортасин айтолмасдан лол,
Изтиробдан ёниб юзларим
Қаршисида тураман беҳол.

Балки севги қисмати шулдир,
Оҳ, бу кўзлар сирли бунчалар.
Менинг илҳом манбаим улдир,
Илҳом сўнар бу кўзсиз агар...
Гар шу кўзлар қувончдан ёнса
Қувонаман ўзимча мен ҳам.
У сезмайди майли, муддаом,
Умид гулин сўлгани яхши!

У қувонсин, кўзда кўрмай
нам.
Чунки шу кўз менинг ҳам
кўзим.
Шу кўзлардир дилимнинг
нақши
Жудо бўлсам гар шу
кўзлардан
Умид гулин сўлгани яхши!

Ҳаётда шу кўзлар бор токи,
Қаддим ғамдан эгилмайди —
тик.
Ҳаётда шу кўзлар бор токи,
Мен ўлмайман, дўстлар, мен —
тирик!

Абдуолим ИНОҚОВ.

Обидаларнинг қайта туғилиши

Сурхондарё областидаги XI аср меъморчилигининг ушбу суратда тасвирланган нодир дурдонасига ўнлаб йиллар мобайнида ҳеч ким эътибор бермаган эди. Шу йилнинг бошларида республика ҳукуматининг қарори билан Шеробод районидаги «Шеробод» совхози территориясида жойлашган шу Абу Исо ат-Термизий мақбара-масжиди Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси ихтиёрига ўтказилди. Ҳозир таъмирловчилар иш бошлаши учун ҳамма нарса тайёрлаб қўйилган. Уларнинг олдида талайгина вазифалар турибди: бинонинг ярмини бузиб ташлаб қайта тиклашга тўғри келади.

СУРАТДА: «Шеробод» совхози аҳолиси XI аср нодир дурдонасига асл қиёфасини қайтаришга қарор қилган.

Р. Шагаев сурати. (ЎзТАГ).

Санъатнинг сеҳрли олами

Рубобнинг икки тори

Яқинда республика кўзи ожизлар жамияти марказий маданият саройи «Эълонлар тахтаси»да, Тошкент ишлаб чиқариш комбинати ҳовлисида мана шундай эълон пайдо бўлди: «Якшанба куни санъаткор Нишоновлар оиласига бағишланган «Оиламиз билан кўшиқ айтамиз» кечасига таклиф этамиз. Кеча программасидан ранг-баранг қўшиқлар гулдастаси ўрин олган.

Ғарқ гуллаган бодомдек
етилиб келса қўшиқ,
Ўз-ўзидан жаранглаб,
эшилиб келса қўшиқ.
Худди булоқ мисоли,
худди шалола янглиғ,
Дилнинг тубидан оқиб,
отилиб келса қўшиқ»...

Тошкент ишлаб чиқариш корхонасининг 3-цехида кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган, санъатда ўз ўрни ва мавқеига эга Бахтиёржон ва Мавлудахонларнинг қўшиқлари шу куни йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Уларнинг олқишини олди, эҳтиромини қозонди.

Дарвоқе, шу ўринда бироз лирик чекиниш қилишга тўғри келади. Негаки, Бахтиёрнинг ва унинг умр йўлдоши Мавлудахоннинг ҳаёти бошқаларникидан кўра ўзгача. У айни 3 ёшга тўлиб, болалик завқига эш бўлаётган бир дамда қизамиқ туфайли кўзи ожиз бўлиб қолиши, албатта, катта бахтсизлик эди. «Хўш, энди нима қилиш керак?» Ҳали Бахтиёрнинг бу саволга жавоб топишига анча эрта бўлса ҳам, оила аъзолари кўндаланг бу саволни қалб амри билан шундай ҳал этишди: «Яшаши керак. Яшаганда ҳам ўзгалардек, балки ўзгалардан ўзиб яшаши керак!»

Бахтиёр 11 ёшга қадам қўйганда Ленинск шаҳридаги кўзи ожизлар учун очилган махсус мактаб-интернатга ўқишга борди. 1967 йили Тошкентдаги Йўлдош Охунбобоев номли мактаб-интернатда ўқишни давом эттирди. Бахтиёржон санъатнинг сеҳрли оламига ана шу даргоҳда илк қадам қўйди. Ашула ўқитувчиси Шукуржон Аҳмаджонов унга йўл-йўриқ кўрсатиб, устозлик қилди.

Ўз меҳнат фаолиятини 1974 йилда Тошкент ишлаб чиқариш корхонасида бошлаган йигит меҳнатда ҳам, санъатда ҳам ўз йўлини топишга ҳаракат қилди. Марказий маданият саройи қошида Музаффар Мирмаҳмудов раҳбарлигида ташкил этилган «Дил куйласин» ансамблининг фаол аъзоси бўлиб қўшилди. Талабчан мураббийнинг ишончини оқлаб, классик шоирларимиз ғазалларини куйлашни тинмай ўрганди, ўз устида қунт билан ишлаб, қўшиқ мухлисларининг ҳурматини қозонди.

Овознинг ҳам, сознинг ҳам ўзига хос файзи бўлганидек, Бахтиёрнинг ижросида янграган ҳар бир қўшиқ овоз ва соз уйғунлигида мафтункорлик кашф этади, тингловчи қалбига жозиба туйғусини олиб киради.

Хонанданинг овози ана шундай қалблар ҳаяжонини жўш бушга келтириб, дилларни қитиқлайди. У қўшиқнинг ҳар бир сўзини, сатрини тушуниб қалбан ҳис этиб куйлайди. Қўшиқлар оҳангига янгича оҳоқ бағишлаб ижро этади. У ҳазрат Навоийни яхши тушунади, тушунибгина қолмайди, балки ғазалнинг ички дунёсига ойдин йўл топа олади. У Машраб ғазалларини машрабона куйласа, Фурқат шеърларига мурожаат этганда гўё саҳроларда саргардон кезгандай ҳаяжонга тушади. Тингловчини ҳам овозининг сеҳрига ошно этади.

Бахтиёр 1985 йили Буюк ғалабанинг 40 йиллигига бағишланиб ўтказилган бадиий ҳаваскорлар кўрик-конкурсининг лауреати бўлди. Олмаотада бўлиб ўтган солист-вокалистлар конкурсида эса фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Бахтиёрнинг репертуари классик ва замонавий шоирларимиз шеърлари билан айтиладиган қўшиқларга бойиб бормоқда. «Эй сабо», «Ёр исғаб», «Фарғона рубойиси», «Бизни ташлаб...», «Тошкентим» ва бошқа кўплаб қўшиқлар у бўлган даврада, саҳнада, байрам анжуманларида дилларни кувонч туйғуларига тўлдириб келмоқда.

Бахтиёрнинг умр йўлдоши Мавлудахон ҳам санъатни севган, санъати билан саҳнага файз бағишлаган ажойиб хонанда. У ҳам марказий маданият саройи қошида ташкил этилган фольклор ва «Дил куйласин» ансамблига аъзо. «Ўзбекистон куйлагай», «Қалам», «Она», «Ким кўрур», «Излайман» қўшиқлари билан ўз мухлисларини топган Мавлудахон бугунги кунда ҳам ўз «репертуар сандиғ»ини халқ ва замонавий қўшиқлар билан тўлдириб бормоқда. Оҳанглар сеҳрини дилларга улашмоқда.

Бахтиёржон билан Мавлудахонни рубобнинг икки тори қиёс этиш мумкин. Бу икки жуфт қалб торларининг сеҳридан шайдо кўнгиллар баҳраманд бўлишмоқда.

Нишоновлар хонадони бир боғ бўлса, фарзандлари Нилуфар, Баҳромжон ва Ҳилолалар шу боғнинг гунчаларидир.

Абдулла ТУРДИЕВ,
Саодат ЗАЙДЕНОВА.

«Оқшом» учун ёзилган

ЎЙИН

(Фантастик ҳикоя)

«...Мен баъзи шошма-шошар кишилар каби, бизни ўраб турган ҳаводан энергия олиш усули ҳақида кескин гап айта олмайман. Афсуски, ҳозирча Жон Маккафери ўз усулининг барча жиҳатларини очгани йўқ. Агар автор ихтироси учун патент олиб, амалий ишга татбиқ қилса, Ер юзида энергия муаммоси ҳал этилган бўларди... Бундан ташқари, атмосферанинг умумий иссиқлиги кейинги йилларда аста-секин кўпайиб бораётгани ҳаммага маълум. Ана шундай деярли текин энергия олувчи қурилмаларни чўллар, саҳроларга, масалан, Невада чўлига ўрнатиш асло знён келтирмайди...».

Физик олим Питер Хагельстайннинг «Ньюсуик» журналида босилган мақоласидан кўчирма.

Ёш, ҳаракатчан, ишбилармон ва муваффақият қозонишга тинмай уринаётган Стив Хакелт, «Аэро энежи» фирмасининг эгалари, иш бошқарувчилари иштирокидаги мажлисда, «энергетик қурилмаларни ясашга киришиш учун етарли база ҳосил қилинди», деган қарорга келингач, шу ҳафта ичида жуда чарчаганини ҳис этди. Дам олиш кунини шаҳардан ташқарида — табиат қўйнида жойлашган отасининг виллласида ўтказишни кўнглига тугди.

Шаҳар ортда қолгач, у тезликни маромига етказди. Радионинг қулоғини буради. Карнайдан тарала бошлаган рок музыканинг садолари кайфиятини кўтарди. Атрофга эътибор қилди. Ўнг томонда фермерларнинг яккам-дуккам уйлари тез-тез ўринларини алмаштиришар, гоҳ-гоҳ реклама полотнолари учрар, чап томонда эса, йўл чети узра виқор билан ўсаётган забардаст дарахтлар орқага қараб чопишарди. Бир маромда юриш уни ҳаёл гирдобига торта бошлади. У келажак кунларни ўйларди. Эртага бирозгина вақт бу дунёнинг пойга ва қув-қувларини эсламай ҳордиқ чиқарса, яна кучга тўлади. Душанбадан эса бир-бирларини ғажиб ташлашга тайёр одамлар фирмалар, компанияларарО курашга қўшилади. Чунки, ҳаёт қонуни шу: «Марра — кучли ва ишбилармон кишиларники!».

Стив ўттиз милча юргач «Форд»ини Монтерей йўлига бурди. Бу ерда машиналар анча сийрак эди. Тезликни яна оширса бўлади. Орқани кўрсатувчи ойнага боқди. Қизиқ! Анави кўк «Кадиллак» нега унга осилиб олди? Ҳали шаҳар кўчаларида ҳам назари тушганди. Наҳотки, уни кузатишмоқда?! Мақсадлари нима экан?

Унинг ёдига босс — Жон Маккаферининг сўзлари тушди: «Бу ихтирога ва унга алоқадор бўлган кишиларга ҳозирги пайтда қизиқиш катта. Агар, ишимизни амалга оширсак, «Тексако», «Стандарт ойл», «Атомик энежи» каби концерн ва компанияларнинг бели синади, чунки бизнинг муваффақиятимиз энергетика оламида улкан тўнтариш ясаши бегумон.

У тезликни оширди. Аммо «Кадиллак»дан қочиб бўлармиди? Уни адаштириш ҳам қийин — йўл тўғри. Нима қилса экан? Улар Стив Хакелт билан ҳазиллашиб ўтирмайдилар! Орада пул деган нарса турибди. Пул бўлганда ҳам кичкина эмас, миллиард-миллиард пуллар! Улар жон аччиғида ҳаракат қилишади: «Ихтиронинг сири нимада?.. Яхшиликча айтишингизни маслаҳат берардик. Бизга фақат лойиҳалардан нусҳа берсангиз бўлди. Ортиқча нарса керак эмас... Акс ҳолда...».

Стив ҳақиқатан ҳам на қурилма билан, на уни асословчи физик мантиқ билан таниш эди. Чунки, у олим эмас, бизнесмен.

У яна орқани кўрсатувчи ойнага қараб олди-да, ўз-ўзига деди:

— Нима қилиш керак? Бирон бир йўл топиш шарт-ку!

У анчадан бери музика қулоғига кирмаётганини пайқаб, радиони ўчирди. Онгида эса, яна Жон Маккаферининг сўзлари жаранглай бошлади. «...Яқин орада ихтирони сотиб олиш учун катта пул ваъда қилишлари, ҳатто қийин-қистовга солишлари мумкин. Мен ҳар бирингиздан зийраклик билан иш юритишингизни, мардонавор бўлишингизни илтимос қиламан...».

Ҳа, боссниг гаплари тўғри. Инсоннинг бутун истеъдоди ана шундай дақиқаларда намоёнлашади. Айтгандек, икки-уч милча нарида бензоколонка бор. Ўша ерда уларни, чиндан ҳам кузатяптиларми ёки бу шунчаки гумонми эканлигини аниқлаши ва қочиб қолиш чорасини топиши мумкин.

У бензоколонкага яқинлашгач, машинасини секинлатиб колонкаларнинг бири олдида тўхтади. «Кадиллак» ҳам тезлигини камайтириб бензоколонкадан сал нарида тормоз берди. Унинг гумони тўғри чиққан эди. Афтидан, улар қулай фурсат излашаётганди. Бензоколонка хизматчиси қанча ёқилги кераклигини билиш мақсадида Стивга яқинлашганда, кузатиб келаётган машина ичидаги икки кишининг бири ташқарига чиқди. Буни кўриб турган Стив кескин равишда «Форд»ини қўзғатиб, қарама-қарши томонга бурди-да, ўқдек учиб кетди. Бир неча дақиқа ўтгач, «Кадиллак» ҳам йўлга тушди, аммо бу пайтда таъқиб этилаётган машина анча узоққа кетиб қолганди. У тез орада бурилишга етиб, асосий йўлга чиқиб олди. Стив Хакелт чуқур ҳаяжонда акселераторни охиригача босиб кетар экан, фақат шаҳарга етиб олишни ўйлар эди. У ерда қутилиш чорасини топиш осонроқ. Биринчидан, кўчаларда уни адаштириб кетиш мумкин, иккинчидан, бирор гавжумроқ жойда тўхтаб, одамлар орасига кириб йўқолиш эҳтимоли бор...

Шундай хаёллар оғушида кетаётган Стив, ердан чиқдими, осмондан тушдими — бутун йўлни тўсиб баҳайбат юк машинаси пайдо бўлиб қолганини пайқамади. Масофа жуда яқин эди. Бундай катта тезликда келаётган машинани тўқнашувдан сақлаш — хаёлий гап. У жонҳолатда, тормозни босишга ҳам улгурмай рулни ўнгга буриб юборди. Бундан кейинги воқеалар кўз очиб юмгунча содир бўлди. Стив ўзига жуда катта тезликда забардаст дарахт танаси учиб келганини, атроф гир айланиб, остин-устин бўлиб кетганини зўрға сеза олди холос...

●

Жефф Бэк юмшоққина креслога чўкиб, детектив фильмни томоша қилиб ўтирарди. Усталик билан тўқилган сюжет, юз бераётган қотилликлар, очилмаётган сир унинг диққатини маҳкам тортиб турар, завқини оширар, ўзини ўраб турган муҳитдан оз бўлса-да, нарига олиб кетарди. Бундай иссиқ, дим ҳавода кондиционерли салқин уйга келиб телевизор кўришга не етсин. Бундай пайтда на сайр қилиб бўлади, на бошқа бир иш билан шуғулланиб. «Аэро энежи»га бош қўшмаганда, ҳозир маза қилиб денгиз бўйида дам олаётган, ҳордиқ чиқараётган бўларди. Бугун ҳам, тиним билмай ишлаб чарчади. Шунинг учун, ёнидаги столча устидаги телефон жиринглаб қолганда, у диққати бўлинганидан ғижиниб, эринчоқлик билан телефон гўшагини кўтарди. «Аллo!» — деди у. Аммо, телефондан қисқа-қисқа гудоклар эшитила бошлади. Унинг товуши кимгадир ёқмаганди. Ёки уйида бор-йўқлигини текшириб кўришдимикан? Бу нарса кимга керак бўлиб қолибди? У бир оз ҳайрон бўлиб турди-да, яна экранга тикилди. Лекин, кайфияти бузилганди. Телефоннинг ёнида турган, телевизорни маълум масофадан туриб бошқарадиган гугурт қутисидан сал каттароқ пульт қурилмачасини олиб, бошқа канални очди. «Янгиликлар» берилаётган экан. Бу эшиттиришни олиб борувчи, барча хонадонларнинг ҳар кунги «меҳмони» Уолтер Кронкайт эҳтирос билан сўзларди:

«...Бизга ҳозир маълум қилишларича, шу кеча-кундузда шов-шувга сабабчи бўлаётган, фантастик дейишга арзигулик, жуда кўп энергетик муаммоларни ҳал қилувчи ихтирони татбиқ қилиш учун ташкил этилган «Аэро энежи» фирмаси компаньонларидан бири Стив Хакелт бир соат илгари шаҳар ташқарисидаги трассада рўй берган автомобиль ҳалокати туфайли қурбон бўлди. Полициянинг аниқлашича, ҳалокат унинг «Форд» маркали машинасининг тормоз системаси ишламай қолганлиги натижасида вужудга келган».

Жефф Бэк қулоқларига ишонмади. Ахир, икки соатча бурун ажралишгандилар-ку! Бу, албатта, тасодифий ҳалокат эмас! Боссниг огоҳлантиришларида жон бор эди! Эрта-индин ўзига ҳам навбат келиши мумкин. Нега шу ишга бурнини суқди?!

У телевизорни ўчириб, боссниг телефон номерини босган эди ҳамки, эшикнинг оҳангдор қўнғироғи жиринглади. Бу орада эса, симнинг нариги томонида гўшак кўтарилиб Жон Маккаферининг товуши эшитилди. Жефф эшик қўнғироғига парво қилмади.

— Босс, бу Жефф Бэк. Ов бошланибди. Стив...

— Эшитдим, — унинг гапини кескин бўлди босс. — Асло хавотир олманг. Бу тасодиф. Ҳали вақт эрта. Бироқ, ҳар эҳтимолга қарши қуролланиб олинг. Қолган гапни душанба куни гаплашамиз. Хайр.

Қисқа-қисқа гудоклар Жеффнинг қулоғига найза санча бошлади. Эшик қўнғироғи яна жиринглади. «Босс хавотир олмаса ҳам бўлади, — ўйлади у. — Унинг ҳаётини асровчи ҳимоячилари бор. Мен ҳам эртагаёқ бир-иккитасини ёллашим керак». У эшикка яқинлашиб, унинг «кўзча»сидан қаҳраётган одамга боқди. Нотаниш ҳурилиқо ишва билан турарди. Жефф эшикни очди.

— Кечирасиз менга мистер Бэк керак эди!

— Ҳа, мен эшитаман.

— Мен «Ньюсуик» журналининг мухбири Дайана Росс бўламан. Мана гувоҳномам. Сизни телефон орқали топа олмадим. Биз журналда сизнинг янги энергетик ихтиронингиз ҳақида мақола бермоқчийдик. Шошилинчроқ бўлгани учун уйингизга келишга журъат этдим. Рухсат берсангиз, интервью олардим, — деди у жилмайиб.

Жононнинг сўзларида қандайдир сунъийлик бор эди.

— Жуда хурсандман мисс Росс, аммо, ҳозир ҳеч иложи йўқ. Мен қаттиқ бандман.

Жефф шу сўзларни айтар экан, аёлнинг қўлида унга ўқталган тўппонча пайдо бўлганини кўрди. Лифт орқасидан икки қуроллланган йигит чиқиб келишди.

— Интервьюни бизга берасиз, — деди йигитлардан бири мулойим. — Ичкарига таклиф қилмайсизми? Сизга эса, Дайана, раҳмат. Бўшсиз.

Жефф Бэкнинг бошқа иложи йўқ эди. Чор-ночор ичкарига кирди. Аксига олиб, қуроли ҳам йўқ.

— Мендан нима истайсизлар? — сўради у эшик ёпилгач.

— Бизни фақат бир нарса қизиқтиради. У ҳам бўлса ҳаводан энергия олувчи қурилмангизнинг чизмалари ва уни ишлатиш йўли. Агар, бу нарсаларни бизга топширмасангиз, оқибати яхши бўлмайди. Стив Хакелтдан ўрнак олмаслигингизни маслаҳат берамиз.

— ...Мен ...албатта ...сизларнинг талабларингизни қондиришдан беҳад шод бўлардим, бироқ, чизмаларни ҳали ўзим ҳам кўрганим йўқ, чунки, босс шу пайтгача кўп нарсани сир тутиб келмоқда. Биз ҳозирча ташкилий ишлар билан машғулмиз.

— Майли, чизмаларни берманг. Аммо, ихтиро сирини айтмасангиз бўлмайди. Виз асло хафа қилмаймиз. Сизга қанча пул керак?

— Айтдим-ку, билмайман. Мен фақат ёрдамчиман...

— Афсус, мистер Бэк. Ўзингиздан ўпкаланг.

Жефф Бэк ёлланма қотиллар кўп ҳам ади-бади айтишиб ўтирмаслигини биларди. Иш учун улар яхшигина ҳақ олишади. Ҳозирги дақиқада у нима ҳам қила оларди. Ҳаёт энди тугади. Нега бунча тез?! У сўзлаётган йигит қўлидаги МҮъжаз автоматнинг учи ўзига тўғриланаётганини ҳис қилиб турарди. Қуролнинг учи бир муддат унга боқиб тургач, тепки босилди. Икки-уч дақиқадан кейин эса, у кўкрагини чангаллаганча гуп этиб қулади...

Шу куни кечаси Жон Маккеферининг охирги кампаньони Давид Ковердейл ҳам номаълум кишилар томонидан ўлдирилди.

Душанба куни эрталаб босс ўз фирмаси биноси олдида машинасидан ҳимоячилар қуршовида тушганда, журналистлар ўраб олиб турли саволлар ёғдира кетишди. «Мистер Маккафери, шерикларингизнинг ўлими тасодифими?», «Айтинг-чи,, мистер бу нарсага ихтироингизнинг алоқаси борми?» Жон Маккафери ҳимоячилар қуршовида бир он тўхтаб, газетачиларга ўгирилди-да, «Кечирасизлар, мен бир нарса дейишга ожизман», — деб ичкарига йўналди.

У иш кабинетига кириб, секретарига ҳеч кимни на телефонда, на очиқ унга учраштирмасликни буюрди-да, тонгги газеталар ва хатлар билан танишишга тутинди. Кўпчилик газеталарнинг биринчи саҳифасида Стив Хакелт, Жефф Бэк, Давид Ковердейлларнинг расмлари босилганди. «Қотилликларнинг сабаби нима?», «Тасодифми ёки...» «Аэро энежи» ҳалокат ёқасида», «Экономикага зарба» деган сарлавҳалар остида турли-туман мақолалар эълон қилинганди. Уларнинг баъзиларида етакчи энергетик концернларнинг бу қотилликларга алоқаси бўлиши мумкинлигига шама мавжуд эди.

Навбат хатларга келди. Улар, асосан, янги энергетик қурилмани яратиш устида олиб борилаётган иш бўйича турли фирмаларга юборилган буюртма — мактубларнинг жавоблари эди. Лекин, боссниг диққатини қайтма адреси ёзилмаган хат тортди. Оҳиста уни очди.

«Мистер Маккафери! Шароитнинг ўзгараётганига қарамай илгариги таклифимиз қайтарилади. Сизга аталган мукофот миқдорини эллик фоизга оширамиз. Рози бўлсангиз, кундуз соат 14.00 да аввалги келишилган жойда вакилимиз билан учрашинг».

Боссниг юзидаги ифода ўзгармади. Телефон гўшагини кўтариб тугмаларнинг кераклигини босди. «Женни! — деди у. — Чемодонларни тайёрлаб қўйдингми?.. Сен билан Боббини Алан аэропортга кузатиб қўяди. Венесуэлага боргач, мен айтган одам билан учрашасан. Қолганини у тўғрилайди. Кейин ўзим сизларни топиб оламан. Хайр».

У гўшакни қўйгач, ўйга толди. Бир оз ўтиб секретарни чақирди.

— Соат 14.00га чақирилган етакчи мутахассисларнинг йиғилишини бекор қиламан. У эртага, худди шу вақтга қолдирилади, — деди у.

Шундан сўнг, босс «Аэро энежи» фирмаси биносини тарк этди.

●

Икки кун ўтгач, собиқ босс — Жон Маккафери бошқа ном билан самолётда ўзга мамлакат томон учиб кетар экан, кайфияти аъло даражада эди. У ниятига эришган, энди фақат изни йўқотиш қолганди. Буни ҳам у усталик билан амалга оширади. Жон Маккаферини беш миллиард одам ичидан қидириб топиш осон иш эмас. Швейцариядаги пулнинг ҳажми ва эгасининг кимлигини сир сақлайдиган банкдаги оламжаҳон долларлар эса етти пуштига етиб ортади. «Ҳаёт — пойгагина эмас, — ўйлади у, «Боинг — 777» нинг юмшоқ креслосига ястаниб, — психологик ўйин ҳамдир. Қанча кўп юриш йўлларини илгаридан билсанг, ютуқ сеники. У, худди шахматга ўхшайди, керагида қурбонлар беришга тўғри келади. Бечора Стив, Жефф, Давид... Аммо, на илож, Фантастик ихтиро — ҳаводан жуда арзон энергия олиш усули, фирма ташкил этилиши — ҳаммаси ўйин, ҳаётдан йирик мукофот ундириш йўли эканлигини улар қаёқдан билишсин. Бир ўзи шундай йирик концернни лақиллатди-я! Қочишдан олдин вакилнинг қўлига тутқизган чизма ва тадқиқот натижалари асосида ҳеч қандай энергетик қурилма яратиш мумкин эмаслигини тушунишганда нима қилишаркин? Яхши ҳамки, ўзининг гипноз қила олиш хусусияти ўша пайтда дурустгина намоёнлашди. Ҳаммаси силлиққина ўтди. «Бу ихтиро асосида яратиладиган қурилма наинки Қўшма Штатлар, балки бутун дунёни деярли текин энергия билан бемалол таъминлайди», — деганида кўпчилик унга чиппа-чин ишонди. Бир-иккита йирик олимларга пул тўлаб уларнинг номидан мақолалар бостиргани ҳам қўл келди. Мана, ҳаммаси нима билан тугаяпти! Энди тўрт-беш йил жуда эҳтиёт бўлиб, гадойтопмас жойларда яшаши керак. Уларнинг қўли узун. Бироқ ер юзи кенг. Тасодифлардан сақланса бўлди. Нари борса пластик операция қилдириши мумкин. Кейин шоҳона ҳаёт кечира беради. Женни билан Боббини чақиртириб олади. Бу ўйин ўшандагина тугайди».

«Боинг—777» жанубий тропик мамлакатнинг аэропортига қўнганда, қуёш уфққа ёнбошлаганди. Жон Маккафери, энди эса Алис Купер салондан охиргилар қатори тушди. Тоза, кислородга ва енгил ионларга бой ҳаво билан ўпкасини тўлдириб нафас олди. Зинапояларни оҳиста босиб пастга тушганда, унинг ёнига полиция кийимидаги икки киши яқинлашганини сезмади ҳам.

— Мистер, сиз Жон Маккафери бўласизми? — сўради улардан бири инглизчани бузиброқ талаффуз қилар экан.

— Йўқ, янглишдингиз... — жавоб қилди Жон Маккафери зил кетиб. — Мен Алис Куперман. Мана ҳужжатим.

— Биз полициядамиз. Ҳужжатингиз қалбаки, жаноб Маккафери. Сиз қамоққа олиндингиз. Машинага марҳамат.

Жон Маккаферининг қўлларига ялтироқ темир кишан тақилди.

Ўйин унинг мўлжалидан илгарироқ ва бутунлай бошқа натижа билан тугаганди.

Озод МҮМИНОВ.

Ҳамкасбимиз тўплами

Шоир, «Тошкент оқшоми»нинг журналисти Темур Убайдуллаев ўз ўқувчиларига «Ҳаёт гули», «Замин муҳаббати», «Телефон», «Ҳовли тўла болалар» тўпламлари билан яхши танилган. Яқинда «Ёш гвардия» нашриёти унинг «Қирлар тўла қизғалдоқ» шеърлар рисоласини кўп нусхада чоп этди. Шоирнинг она-Ватан, она табиат, она замин ҳақидаги, шунингдек кулги уйғотадиган қувноқ шеърлари ўқувчиларга жуда завқ бағишлайди.

Тўпламга шоирнинг «Ғалати сабоқ», «Доно вазир ҳикмати», «Абадиёт қонуни», «Мерос» сарлавҳали сермазмун эртаклари ҳам киритилган.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

Тўнғич билим даргоҳида

Талабалар шаҳарчасига жойлашган Тошкент маданий-оқартув техникуми маданият ва санъатимизнинг тўнғич билим даргоҳларидан саналади. Республикамизнинг барча регионларидаги маданият ўчоқларига Тошкент маданий-оқартув техникуми Наманган, Нукус маданий-оқартув, Қарши ва Бухоро маданият техникумлари билан биргаликда ўрта махсус малакали кутубхоначилар, клуб ходимларини тайёрлаб бермоқда. Область ва районларимизнинг клублари, кутубхоналари, маданият ва истироҳат боғларида Тошкент маданий-оқартув техникумини битирган талабаларни кўплаб учратишимиз мумкин.

СУРАТДА: техникум бадиий ҳаваскорларидан бир группаси.

Н. Эрматов сурати.

Меннинг биринчи ўқитувчим. Собир Раҳимов районидаги Фурқат номли 196-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Марҳамат Абдирахмонова илк бор мактабга қадам қўйган кичкинтойлар билан.

Р. Альбеков сурати.

Шунақаси ҳам бўлади

БИР КЕЧАДА САККИЗ ЎҒИЛ

⊙ Суданлик Бишар Муҳаммад ал Шайеб шариат бўйича ўзининг элатдошлари бўлмиш тўртта қизга уйланган эди. Охирги никоҳдан маълум муддат ўтганидан кейин, жуда камёб бўлган, ғаройиб воқеа содир бўлдики, бундан огоҳ бўлган киши таажжуб билан ёқа ушлаши турган гап.

Толеи яркираган Бишарнинг тўртала хотини бир кечанинг ўзида кўзлари ёриб, уларнинг ҳар бири иккитадан — эгизакли ўғил туғиб бердилар. Шундай қилиб, Бишар бир кечанинг ўзида саккиз ўғилнинг отаси бўлди.

КУНИ КУНИГА...

⊙ Инсоннинг таваллуд топиши муносабати билан ўтказиладиган «кеча»лар ўзагача гаштли бўлади.

Америка Қўшма Штатларида Комминслар оиласи мавжуд бўлиб, уларнинг беш фарзандлари бор. Қизиғишундаки, 1962 йилдан 1966 йилгача бу оилада ҳар йили биттадан фарзанд дунёга келди. Буни учалик қизиғи йўқ, дейишингиз табиий. Ахир туғилган болаларнинг ҳар бири бир кунда, яъни 20 февралда бўлгани ғаройиб ҳодисалигидан далолат бермайдими? Комминслар оиласида бирваракайига бешта фарзаннинг «туғилган куни» нишонланади.

«МУРҒАК» МОМОЛАР

⊙ Ўзбекларда ажойиб ибора бор: «Бахтли, пири-бадавлат бўлинг!» дейишади. Ували-жували, серфарзандлар ниҳоятда улуғланади.

Скандинавия мамлакатларида «Ёш бувилар клуби» номи билан юритилувчи уюшма мавжуд. Мазкур клубнинг раиси — жуда ёш буви бўлиб, унинг ёши 25 да. Киройи шундаки, ўз даврида она 12 ёшида, унинг қизи эса 13 ёшида турмуш қурган эканлар.

Маннон НАБИЕВ.

Жиноят ва жазо

Сим девор ортидаги нола

Халқимизда «Буюрса — бола, буюрмаса — бало», деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ноқобил фарзанд ота-онани қуйдиради... Кейинги пайтда тарбияси қийин ёшлар кўпайиб кетяпти. Уларнинг кўпчилиги тўқликка шўхлик қилиб, жиноятга қўл уряпти...

Аслида бир қарашда ҳамма-си кўнгилдагидек, болаларнинг барчаси бахтли яшаётгандек ва лекин... Ана шу лекин кўнгилнинг кемтик жойини кемириб туради. Тошкентдаги вояга етмаганлар колониясига кетатуриб айниқса буни ич-ичдан ҳис қилдим. Уларни бу ерга тушишга нима мажбур қилди? Улар ҳам барча болалар сингари ўқиб, таълим олиш ҳуқуқига эга эдилар-ку! Нима учун ота-онасининг иссиқ бағрига ўймай туриб, сим деворлар ортига ҳ[illegible]ҳум этилдилар? Гўдаклик даврида[illegible] эндигина ўтиб, ҳаёт нималигини б[illegible]лаб етмаган мурғак озодликдан а[illegible]ҳрум бўлиб ўтирса-я! Хўш, кимни айблаш керак? Уларнинг ёки...

— Болалар[illegible]нг раҳм-шафқат учун ташриф [illegible]ингизми, — дейди колония [illegible]ларидан бирини қўриқлаётган қ[illegible]ўриқчи бизни қарши олар экан. Жавоб беришга улгурмасимиздан у яна гапида давом этади: Ҳамма сингари сиз матбуотчиларнинг фикри ҳам шундай. Бу бечораларни нимага қамагансизлар? Ҳали бола-ку, раҳм қилса бўлмайдими дейсизлар. Мен ҳам раҳм қилишни жуда истардим. Лекин транспортдан тушгач, сумкамнинг ёни кесилиб, ундан маошим солинган ҳамёнимни олдирганимда, уларга нисбатан мурувватдан асар ҳам қолмайди. Улар фақат шундай жазога лойиқ, деб ўйлайман. Ҳар ҳаётимизда ҳамёнингизга кўз тикиб туришса, уйингизни тунаб кетиш пайида бўлса, шунинг учун шафқат қилиш керакми?! Улар одамлар тирбанд жойлару, тиқилинч транспортларни ўзлари учун иш «жойи»га айлантириб олганлар.

Еленанинг қуйиб-пишиб «девор ортидагилар» ҳақида гапираётган гапида жон бор эди. Кўча-кўйларда ёки таниш-билишлар орасида «Ҳамёнимни олдирдб қўйдим», «Сумкамни кесиб кетишибди» деган гапларни кўп эшитганмиз, ҳатто ўзимиз ҳам баъзида бунга гувоҳ бўлганмиз. Аммо шу тобда киссавур деб ном чиқарган боланинг кўзларига бир қараб олиш нияти тинчлик бермасди.

Ниҳоят, колония бошлиғи Владимир Шевченконинг ортидан кечагина ҳукм чиқарилиб келтирилганлар томонга юрамиз. Залворли темир эшиклар очилиб, ичкарида ўтирган уч ўсмирга кўзимиз тушди. Улар Миша ва Роман — 15 ёшда, Шавкат эса — 16 да экан (Болаларнинг келажагини ўйлаб, фамилияларини ёзмаяпмиз).

Улардан нима учун қамалганларини сўраймиз.

— Кўшнимнинг мотоциклини олиб қочган эдим, — дейди Олмалиқ шаҳридан келтирилган Миша.

— Нима қилмоқчийдим, — кўзи билан р чизади у.

Роман болалар билан муштлашгани ва оқибатда қаттиқ тан жароҳати етказгани учун, Шавкат эса Мосгавага борган пайтида киссавурлик қилгани туфайли озодликдан маҳрум этилган экан.

Ана, яна «сим ортидан келганларга илинж билан боқиб турган кўзлар. Не ажабки, шундай фаровон ҳаётимизда уларни жиноятчи деб аташга мажбурмиз. Бошқа болалардан сира фарқи йўқ, мўлтираб қараб турган кўзлари нимани-дир истаётгандай. Дарвоқе, нимани исташаркин?

— Озодликни, — дейди Зокир исмли 14 яшар бола. — Бухоро шаҳридаги интернатлардан бирида таълим олардим. Ота-онам пенсияда. Оилада беш боламиз. 15 киши бир бўлиб универмагимиздан 60 минг сўмлик нарсани олиб чиқаётганимизда қўлга тушдик. Менга ҳам 4 йил шу ерда ўтириш муддати берилди.

— Қўлга тушгунингга қадар шундай иш билан шуғулланганмисан?

— Ҳа, бардан 20 сўм пул ўғирлаганман. Лекин барибир қамашмаса керак деб ўйлагандим.

Қарши шаҳридаги сабзавот омборининг ишчиси Андрей уч йил аввал 15 ёшида 3 сўм 50 тийин ўғирлаганликда айбланиб қамалибди. Лекин ундан илгариги ўғирлик фаолияти ҳақида эшитиб, давлатимизнинг нақадар инсонпарварлигига яна бир бор тан бердик.

— Бир ойда 11 мартагача ўғирликда иштирок қилдим, — дейди Андрей. — Ҳар сафар кечириб юборишарди. Икки йилгача синов беришди. Синов тугамасдан ўн иккинчида эса суд қилишди. Аммо бу ерга тушаман деб сира хаёлимга келтирмаган эдим. Ахир шунча кечиришган, шу зайлда давом этаркан дегандим-да. Агар биринчисидаёқ қамаб қўйишганда, эҳтимол бу йўлдан эрта қайтган бўлармидим.

— Пул зарурлигидан шундай қилармидинг?

— Йўқ, пулга зарурлик жойим унчалик эмасди. Чунки ўзим ишлаб топардим. Бу бир эрмак эди-да!

Ҳа, эрмак ишни деб одамнинг бир ой ишлаб топган маошини ўғирлашса. Маош билан яшайдиган у бечора болаларнинг ризқи-рўзини келгуси ойгача қаердан топиб беради? Қарз оладими ё тиланчилик қиладими?!

Алексей, Собир, Халил, Дима, Марат... Уларнинг узоқ рўйхатини шу зайлда давом эттираверш мумкин. Улар ҳамён ўғирлашда айбланиб, озодликдан маҳрум этилганлар. Ёш умрлари темир панжара ортига тушишини ё ҳис қилганлар, ёки йўқ. Аксарияти йўқ, деб жавоб қилади.

Кўпчиликнинг фикрича, бундай колониялар қўрқитиш, айблаш вазифасини ўтаётган эмиш. Лекин колония маъмуриятининг болалар соғлиғи, келажаги йўлида қилаётган ғамхўрлигини кўрганимизда, очиғи ҳайратда қолдик. Ота-она, мактаб етарлича бера олмаган таълим ва тарбиянинг болалар чинакамига шу ерда топмоқдалар. Лекин бундай тарбия берувчи жойда оддий кутубхона ёки музика асбобларинг йўқлиги ачинарли ҳол эди. Бу ҳақда сиёсий ишлар бўйича ўринбосар В. Мамунов қуйинчаклик билан шундай дейди:

— Ўз фондимизга эга бўлмоқчи эдик. Ишчи кучи етишмаётган қанчадан-қанча корхоналар бор. Уларга ёрдам берсак, шанбаликлар уюштирсак. Тушган маблағга музика асбоблари ва китоблар харид қилиб туғилган кун сингари тадбирларни ўтказсак деймиз. Ахир болалар орасида етимлари бор. Ўзлари ишлаб қўллари қадоқ бўлиб топган пулининг қадрини яна ҳам яхши билган бўларди. Бу ерда бераётган билимимиз, тарбиямиз амалдаги тадбирлар билан уйғунлашган бўларди.

Ахлоқ тузатиш колониясида ўтириб чиққан болаларга кўпинча ишонқирамай қарашга ўрганганмиз. Айниқса, бу уларни ишга жойлашишларида яққол кўзга ташланади. Кўпгина меҳнат инсонпарварлигига яна бир бор тан бердик.

Энди сизнинг вазифангиз қаерда қоляпти, дерсиз? Юқорида айтилган тўсиқлар ҳаракатида мен ҳам бевосита иштирок этаман. Сўзсиз бу вазифам. Аммо бюрократик зиналардан 40—50 талаб болаларнинг иши учун кўтарилиш шунчалик қийинки, рости бунинг учун ҳам жисмоний, ҳам маънавий имкон даражасида эмасман. Менимча, республикамизнинг турли район ижроия комитети қошидаги ана шундай балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари жиддий ишга киришмасалар, болаларнинг яна жиноят йўлига кириб кетмаслигига ҳеч ким кафил бўла олмайди...

Ҳа, энг аввало жиноят содир бўлмаслигига эришиш муҳим. Ахир касални даволашдан унинг олдини олиш зарурлигини ҳаммамиз тушунамиз. Жиноят содир бўлдими, қонун йўли билан жазога тортилиши шарт. Жазо муддатини ўтаб чиққач, эса унга иккинчи даражали масала деб қараш асло мумкин эмас.

Бу ота-оналар комитети, мактаб маъмурияти ва комсомол ташкилотлари олдига алоҳида муҳим вазифа қилиб юклатилиши ҳамда назорат қилиниши керак. Айниқса, балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекциялари ўз ишларини қайта қуришлари лозим. Токи улар болаларнинг қачон колония остонасига қадам қўяди, деб кутиб ўтирмасинлар. Ўз қилмишидан пушаймон бўлиб сим девор ортида нола қилаётганларнинг аччиқ қисмати бизни чуқур мулоҳаза қилишга ундаши керак!

Феруза ҲУСАНОВА,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Граждан мудофааси: *муаммо ва ечимлар*

Пайсалга солинмасин

Бугунги кунда одамлар даватимиздаги ишларнинг ташкил этилиши ва ахволи ҳақида ҳар хил фикр билдиришяпти, нуқсонларни очиб ташлашяпти, уларни тугатиш юзасидан таклифлар киритишяпти, граждан мудофаасининг тинч даврда аҳолини муҳофаза қилиш имкониятларидан ҳақли равишда фойдаланишяпти. Айрим кишиларнинг ўзи билмаган нарсалар ҳақида фикр билдиришини, баъзан граждан мудофаси куч ва воситаларини мустаҳкамлашнинг максадга мувофиқлигини шубҳа остига олишини эшитиб хафа бўлган киши. Гражданларнинг бир қисми корхоналар хўжалик ҳисобига ўтаётган бир пайтда граждан мудофаасига пул ва вақт сарфлаш керак эмас, деб ҳисоблайди. Воҳаланки, Чернобиль атом электростанциясидаги, Арманистон ССР, Тожикистон ССР, Бошқирдистон ССРдаги воқеалар, бошқа ҳодисалар ва табиий офатлар тинч даврда аҳолини муҳофаза қилиш муаммосига муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо этади.

Бунинг учун барча асослар бор. Мавжуд объектларда фалокат рўй берган тақдирда кишиларнинг сиҳат-саломатлигига хавф туғдирувчи вазият вужудга келиши мумкин.

Шунинг учун партия ва ҳукуматимиз қарорига амал қилиб, аксарият қимёвий жиҳатдан хавфли корхоналарнинг раҳбарлари навбатчи диспетчерлар учун пультларни тайёрлаб, уларни жиҳозлаганлар, зарарсизлантирувчи моддалар, саноат противогазларини ғамлаб қўйганлар, навбатчи диспетчерлар билан, объектларнинг ишчи ва хизматчилари билан квартал сайин машқлар ўтказилиб турилибди. Ана шу объектлар ҳарбийлаштирилмаган уюшмаларининг раҳбар ва команда — бошқарув состав граждан мудофаси курсларида вақти-вақти билан ўқиляпти.

Тошкент шаҳрининг граждан мудофааси штабини қимёвий жиҳатдан хавфли объектларда ишлаб чиқариш аварияси-нинг вужудга келиш хавфи пайдо бўлган ҳолларда шаҳар аҳолисини хабардор қилиш масаласи жиддий равишда ташвишлантирмоқда. Сабаби, ёппасига хабардор қилиш системасини ташкил этиш масаласи бугунги кунда ҳал этилмаган. Айрим қимёвий жиҳатдан хавфли объектларнинг раҳбарлари маблағ йўқлигини баҳона қилиб ёппасига огоҳлантириш системасини яқин орада ўрнатишни ҳатто режалаштиришмаяпти. Бу албатта ачинарли бир ҳолдир. Бинобарин нотўғри ҳаракатларга йўл қўймаслик, қатъиятсизлик ва бошқарув измини бой бермаслик учун ҳарбийлаштирилмаган уюшмаларнинг шахсий состави қутқарув ва бошқа шошилинч ишларни бажариш бўйича пухта билимларга ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Ишчи ва хизматчилар ҳар қанча ўргатилган бўлса ҳам қимёвий жиҳатдан хавфли объектларда ишловчи ҳар бир меҳнатчини шахсий муҳофаза воситалари билан таъминламай туриб ҳал этиб бўлмайди. Воҳаланки, Тошкент «Хладокомбинат»ида, сут комбинатида, 2 ва 3-мева-сабзавот комбинатларида, «Миконд» заводида барча ишчи ва хизматчилар зарур турдаги саноат противогазлари билан таъминланмаган.

Кўриниб турибдики, муаммолар талайгина, уларни пайсалга солмай зудлик билан ҳал этиш лозим. Бунинг учун граждан мудофаасига муносабатни ўзгартириш, унинг ҳозирги шароитдаги аҳамияти ва ролини тушуниш керак бўлади.

Анатолий ПОДУШКО,
Тошкент шаҳар граждан мудофааси штаби бошлиғининг пропаганда бўйича ёрдамчиси.

Муҳаррир ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

Реклама ва эълонлар

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

13, 14 СЕНТЯБРЬ СОАТ 17.00 ва 19.30 да

Кулиб-тинглаб дам олинг дўстлар

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қўқон шаҳар аскнячиларидан: ЙЎЛДОШХОН НОСИРОВ, МУҲАББАТХОН ТОШПЎЛАТОВА, ЖЎРАХОН ПЎЛАТОВ, ГИЕСИДДИН АБДУРАҲМОНОВ;

Фарғона область Ленин комсомоли мукофоти лауреати Шерқўзиевлар оилавий ансамбли

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЕАТР АРБОБЛАРИ СОЮЗИ «ДИЛШОД» АНСАМБЛИ

6-жаҳон фестивалининг лауреати ОТАЖОН РАЖАБОВ,

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: МЎЪТАБАР ЙЎЛДОШЕВА, САЛОҲИДДИН ТЎХТАСИНОВ;

Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати ҒУЛОМҚОДИР ЭРГАШЕВ;

САНОБАРХОН ШОИКРОМОВА, АБДУРАУФ ЕҚУБОВ, ҲОТАМ ҚОСИМОВ, БАҲРИДДИН БЕКМУРОДОВ ва бошқалар.

Программани — ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Ансамбларнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, бастакор САЛОҲИДДИН ТЎХТАСИНОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

ДИҚҚАТ!

ЯНГИ ИСИТИШ МАВСУМИГА ТАЙЕРГАРЛИК КЎРИШ ЮЗАСИДАН ИШЛАР ОЛИБ БОРИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИССИҚЛИК МАРКАЗЛАРИНИ ЎЧИРИШ ВА ИССИҚ СУВ БЕРИШ ТЎХТАТИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНМОҚДА:

1-ТЦ — 25 сентябрдан 28 сентябргача: ТашГРЭС микрорайони, Високовольтний массивларида, М. Горький проспекти, Луначарский шоссеси, Ново-Московский, Эргашев, Пушкин, Володарский, Невский, ВЛКСМ 40 йиллиги, генерал Петров, «Ташсельмаш» кўчалари районида иссиқ сув бўлмайди.

3-ТЦ — 26 сентябрдан 29 сентябргача: Марказ-7, 10, 11, 13, 14, 15, 26, 27, Б-1 кварталлари, Беруний, Ленин, Ўзбекистон, Навоий, Абай, генерал Узоқов, Олмазор массивида иссиқ сув бўлмайди.

5-ТЦ — 11 сентябрдан 14 сентябргача: Чилонзор массивида, 6, 8, 10, 11, 12, 16, 17, 18, 19, 20-кварталларда, «Алгоритм», «Дўмбробод» массивларида иссиқ сув бўлмайди.

8-ТЦ — 12 сентябрдан 15 сентябргача: «Сергели» массивида иссиқ сув бўлмайди.

9-ТЦ — 18 сентябрдан 21 сентябргача: Акмал Икромов районида, Чилонзор массиви, 9, 13, 14, 15, 9«а», 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27-кварталларда иссиқ сув бўлмайди.

10-ТЦ — 19 сентябрдан 22 сентябргача: ТошМИ, Студентлар шаҳарчаси, Калинин массивида иссиқ сув бўлмайди.

Тошкент ТЭЦи — 18 сентябрдан 22 сентябргача: Б. Хмельницкий, Грузовой, Ш. Руставели, Стахановчилар, Полтарацкий, Т. Шевченко, Саломатни, Муқимий, Аэропорт кўчалари, Чилонзор массиви, 1, 2, 3, 4, 5, 7, Е, И, «Оқтепа» кварталларида иссиқ сув бўлмайди.

Справкалар учун телефонлар — 62-68-38, 62-65-55.

«УЗБЕКЭНЕРГО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ «ТАШКЕНТТЕПЛОЭЛЕКТРОЦЕНТРАЛЬ»И.

БУВИЖОНИМНИНГ САВАТЧАСИГА...

Бувиларимизнинг жуда яхши одати бўлган. Улар ҳар хил лахтакларни, ленталарни, тўрларни алоҳида саватчага тўплаб қўйишар эди. Чунки чеварлар ҳамиша у ёки бу пардоз материали етишмовчилигини ҳис этадилар. Шунинг учун биз сизларга ана шундай бувиларимизга хос «саватча» тутишни маслаҳат берамиз. Уни тўлдириб бориш қийинчилик туғдирмайди: Тошкентдаги «УЧҚУН» тўқимачилик-галантерея бирлашмаси полиэфир, эластикдан ҳар хил чиройли пардоз ленталарини ишлаб чиқаради, хотин-қизларнинг миллий либосларини безаши мумкин бўлган ленталарни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Пардоз ленталарини, шунингдек зарур майда-чуйдаларни: тасмаларни, боғичларни, пойабзал ишларини сиз универсал магазиналарнинг галантерея бўлимларидан харид қилишингиз мумкин.



«УЧҚУН» ТЎҚИМАЧИЛИК-ГАЛАНТЕРЕЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ҚИШ ҒАМИНИ КЎРИБ ҚЎЙИНГ!

ҚИШ КИРИБ КЕЛИШИГА ҲАЛИ ВАҚТ БОР. АММО УЙЛАРИ ПЕЧЬ ЁҚИБ ИСИТИЛАДИГАН АЙРИМ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ҚИШ ҲОЗИРЛИГИНИ ҲОЗИРДАН КЎРИБ ҚЎЙИШАЯПТИ.

«ТАШТОПЛЕССТРОЙТОРГ»нинг

қуйидаги ёнилғи омборларига мурожаат этиб, уйга элтиб бериладиган кўмирнинг ҳақини тўлаб, олдиндан буюртма бериб қўйишингизни

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

1-ЁНИЛҒИ ОМБОРИ — Ипподром кўчаси, 2-проезд, телефон 91-39-85;

2-ЁНИЛҒИ ОМБОРИ — Уста Ширин кўчаси, телефон 48-25-62;

3-ЁНИЛҒИ ОМБОРИ — Сергели массиви, саноат зонаси, телефон 58-96-38.

«ТАШТОПЛЕССТРОЙТОРГ».

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/IX да — **Анда** (19.00), 13/IX да **Боғчасарой фонтани** (19.00), 14/IX да **Тоҳир ва Зуҳра** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/IX да **Юлдузли тунлар** (19.30), 13/IX да **Зебуннисо** (19.30), 14/IX да **Ҳамзанома** (19.30).

Кино

11 сентябрда

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «КОТТОН» КЛУБИ» (16, 18.30, 21.00).

Лисунов номли — «ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОИШТАЛИК» (17, 19.00); «ИНТЕР ҚИЗ» (21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (18, 21.00).

Нунус — «КОТТОН» КЛУБИ» (16, 18.30, 20.45).

Санъат саройи — «ҚОЧОҚЛАР», «ҚОЧИШ» (17.40, 21.00). «САМРААТ» (17, 19.30).

Москва — «КОТТОН» КЛУБИ» (16, 18.20, 20.40).

Ватан — «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР», «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА» (17, 20.00).

Восток — «КОТТОН» КЛУБИ» (16, 18.30, 21.00).

Фестиваль — «КОТТОН» КЛУБИ» (21.30).

Дружба — «ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОИШТАЛИК» (тоқ соатларда); «ТОНГ» (16.30, 19.30).

К. Ерматов — «ТОНГ» (16, 18.30, 21.00).

12, 13 сентябрда

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «КОТТОН» КЛУБИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Лисунов номли — «ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОИШТАЛИК» (11, 13, 15, 17, 19.00); «ИНТЕР ҚИЗ» (21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (12, 15, 18, 21.00).

Нунус — «КОТТОН» КЛУБИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Санъат саройи — «ҚОЧОҚЛАР», «ҚОЧИШ» (11, 14.20, 17.40, 21.00); «САМРААТ» (12, 14.30, 17, 19.30).

Москва — «КОТТОН» КЛУБИ» (11, 13.30, 16, 18.20, 20.40).

Ватан — «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР», «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА» (11, 14, 17, 20.00).

Восток — «КОТТОН» КЛУБИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Фестиваль — «КОТТОН» КЛУБИ» (21.30).

Қозоғистон — «ИНТЕР ҚИЗ» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00).

Дружба — «ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОИШТАЛИК» (тоқ соатларда); «ТОНГ» (14, 16.30, 19.30).

К. Ерматов — «ТОНГ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Самарқанд область, Нурота районидаги 14-ўрта мактаб томонидан **Жаниев Ўролбой Тоштурович** номига берилган 700584 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти томонидан **Имомова Мукамбар** номига берилган Э-119664 номерли йўқолган

ИМТИЕЗЛИ ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги 148-ўрта мактаб томонидан **Юльчиев Алиш Инамович** номига берилган 981883 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникасининг махсус лойиҳа-конструкторлик бюросининг Тажриба-эксперимент заводи коллективи инженер-конструктор Ҳ. Ҳайдаровга отаси

Ҳайдар РАЖАБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

57-ҳунар-техника билим юрти маъмурияти, инженер-педагог ходимлари, жамоат ташкилотлари билим юрти директори Л. М. Абдурасуловга онаси

Лутфиниса Одиловна ОДИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; интимий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р. 14703. Б. — 2017. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10